



ТОШКЕНТ

ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2001 йил 28 апрель, шанба • №33 (11.318)

Эркин нархда сотилади

ЁШЛАРНИНГ ЯНГИ ИЖТИМОИЙ ҲАРАКАТИ ТУЗИЛДИ

25 апрель кuni Тошкентда Ўзбекистон Республикаси «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг таъсис қурултойи бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардан келган делегатлар – ёшларнинг энг фаол вакиллари иштирок этди.



Анжуман ишида ҳаракатнинг Ташаббус гуруҳи ва Маслаҳат кенгаши аъзолари ёшлар масалалари билан шуғулланадиган ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Қурултой ўз ишини ҳайъат ва котибият аъзоларини сайлашдан бошлади.

Давлатимиз раҳбари Ислон Каримовнинг қурултой иштирокчиларига йўллаган табригининг Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Хайридин Султонов ўқиб эшиттирди.

Маълумки, бундан уч ой бурун мамлакатимиз ёшларининг янги ташкилоти – «Камолот» ижтимоий ҳаракатини тузиш бўйича Ташаббус гуруҳи иш бошлаган эди. Ўтган қисқа вақт ичида гуруҳ аъзолари мамлакатимизнинг барча туман ва шаҳарларида бўлиб, ёшларнинг мазкур ташкилотга муносабати, тақлиф ва истаклари, фикр-мулоҳазаларини ўрганди. Таъкидлаш керакки, бу гоё нафақат ёшлар, балки жамиятнинг барча қат-

ламлари томонидан қизғин қўллаб-қувватланди. Бўлиб ўтган кўпдан-кўп учрашувларда ҳаракат фаолиятига оид хилма-хил тақлифлар билдирилди. Бу эса ёшларнинг янги ташкилотга берадиган эътиборини кўрсатди.

Анжуман қатнашчилари ҳаракат Ташаббус гуруҳининг ҳисоботи ҳамда Дастур ва Низом лойиҳаси бўйича маърузани муҳокама қилдилар.

Дастур ва Низом жойларда ўтказилган йиғилишлар давомида билдирилган кўпдан-кўп тақлиф ва фикр-мулоҳазаларга асосланиб, ёшларнинг талаб ва истакларидан келиб чиқиб тайёрлангани айтиб ўтилди. Ташкилотнинг меъёрий ҳужжатларини пишиқ-пuxта тайёрлаш иши гуруҳининг муҳим вазифаси бўлгани қайд этилди. Улар АҚШ, Канада, Буюк Британия ва Россия каби мамлакатлардаги ёшлар ташкилотларининг иш услублари ва фаолиятини синчиклаб ўрганиб чиқгани алоҳида таъкидланди.

Дарҳақиқат, Дастурда сиёсий-

ҳуқуқий, маънавий-маърифий, ижтимоий-ҳуқуқий, спорт ва жисмоний тарбия ҳамда халқаро фаолият соҳасида ташкилот аъзолари ўзларининг устувор йўналиш сифатида амал қилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб берилган. Янги ташкилот аъзоларининг «Ватан менга нима берди, деб эмас, мен ўзим халқим, Ватаним учун нима қилмоқдаман, деб яшаш керак», деган сўзларни дастуриламал қилиб олгани эса ҳаракат ўз олдига фидойий ёшларни тарбиялаб, комил инсонлар этиб вояга етказишдек олижаноб мақсадни қўйганини тасдиқлайди.

Қурултой иштирокчилари мазкур ташкилот қандай бўлиши лозимлиги, мақсад ва вазифалари, Дастур ва Низом лойиҳасига оид ўз фикр-мулоҳазаларини баён этдилар. Бухоролик Нилуфар Жумаева, Қорақалпоғистонлик Пўлат Мирзақулов, Навоий тоғ-кон металлургия комбинати ёшлари вакили Инна Зотова, хоразмлик Дилрабо Жуматова, андижонлик Нодира Абдураззо-

кова, Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртидан Шокир Холиқов, Зулфия мукофоти совриндори, Қашқадарёлик Шаҳноза Холмаҳматова ва бошқалар ҳаракатнинг бошқарув органлари бюрократик аппаратга айланиб қолмаслигини, аъзолар ташаббускор, фаол шахслар бўлиши кераклигини, улар «Ватан ягонадир, Ватан биттадир» шioriга мос руҳда яшаши ва ишлаши зарурлигини таъкидладилар.

Қурултой арафасида «Камолот» жамғармасининг таъсисчилар йиғилиши ўтказилган эди. Унда жамғармани тугатиш, молмулки ва ваколатларини ихтиёрий равишда янги ташкил этилаётган «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатига бериш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Қизғин муҳокамалардан сўнг «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Дастури ва Низом лойиҳаси билдирилган фикр ва тақлифларни ҳисобга олган ҳолда тасдиқланди.

Қурултойда ҳаракатнинг Марказий кенгаши, назорат ва тафтиш комиссияси аъзолари сайланди.

«Умид» жамғармаси ижрочи директорининг ўринбосари вазифасида ишлаб келган Ботир Убайдуллаев «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгашининг раиси этиб сайланди.

Мамлакатимизда ёшларни бирлаштириш, эзгу ишлар сари етаклаш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган янги ижтимоий ҳаракат вужудга келди. Қурултой иштирокчилари ҳаракат аъзолари озод ва обод Ватан барпо этиш йўлида фидокорона меҳнат қиладилар ҳамда бу ташкилот барча ёшларимизнинг таянчи ва суянчи бўлади, деб ишонч билдирдилар.

(ЎЗА).

Бугунги сонда:

2-бет

Долзарб мавзу

Ўзини ўзи бошқариш органлари бевосита ўз ҳудудларидаги фуқаролар ва аҳоли билан энг яқиндан ишлайдиган ва мулоқотда бўладиган тизимдир.

3-бет

Истиклол фидойилари

Янгийўлда бўлган киши, шубҳасиз, «Ўткир» хусусий ишлаб чиқариш ва тижорат фирмасининг довуғидан хабар топади. Ва, албатта, ҳайратга тушади

6-бет

Миллий дастур

Сўнгги ўн йилликда ўсиб келаётган ёш авлодга ғамхўрлик, келажаги буюк мустақил Ўзбекистоннинг баркамол фуқароларини тарбиялаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди.

7-бет

Олам ҳафта ичида:

Тарихнинг шохидлик беришича, бир неча юз йиллар давомида испан ва португалларнинг галеон деб аталган елканли кемалари Америка қитъасидан Европага беҳисоб бойликларни тошиб кетганлар.

8-бет

8-саҳифа меҳмони

Шохмат тахтаси худди каттақон дунёга ўхшайди. Идрокнингизни жамлаб, ақлни пешлаб, билимингизни ошириб борсонгиз бу дунёнинг жуда кўп сирларини билиб олаверасиз.

Долзарб мавзу

МАСЪУЛИЯТЛИ ЖАРАЁН

Мамлакатимизда амалга ошириладиган кенг кўламли ислохотлар тобора чуқурлашиб бормоқда. Айни вақтда бу ислохотларнинг қай даражада тез ва кўпроқ самара бериши бевосита ҳудудлардаги, жойлардаги раҳбарлар ва фуқароларнинг бугунги ижтимоий-иқтисодий сиёсатни қай даражада чуқур тушунишига ва ҳаётга жорий эта олишига боғлиқ.

Шунинг учун ҳам республикада қуйи бошқарув идораларига, хусусан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига тобора катта ваколатлар берилмоқда. Улар Республика Олий Мажлиси

томонидан қабул қилинган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа меъёрий ҳужжатларда мустаҳкамлаб қўйилган.

(Давоми 2-бетда).

Миллий дастур

ТАЪЛИМ ИСЛОҲОТИДА ЯНГИ БОСҚИЧ

Шу йил 25 апрель кuni Ўртаҳирчиқ туманидаги Охунбобоев хўжалигининг Маданият саройида Тошкент вилояти халқ таълими ходимларининг конференцияси бўлиб ўтди

Унда вилоят ҳокимлигининг тегишли бошқармалари бошлиқлари, ҳокимликлар вакиллари, шаҳар, туман халқ таълими бўлимлари мудири, мактаблар ва мактабгача тарбия муассасалари раҳбарлари, ўқитувчи ва педагогларнинг 600дан ортиқ вакиллари иштирок этдилар.

Конференцияда вилоят ҳокими, Олий Мажлис депутати Умнат Мирзақулов сўзга чиқди.

Кун тартибидagi «Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини рўсба чиқаришнинг биринчи босқичида белгиланган вазифа-

(Конференция иши ҳақидаги ҳисоботни 6-саҳифада ўқийсиз).

ларнинг бажарилиши ва иккинчи босқичда амалга ошириладиган ишлар тўғрисида»ги масала юзасидан вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Олег Тожиев маъруза қилди.

Конференция вилоят халқ таълими бошқармасининг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни 2001-2005 йиллар – иккинчи босқич давомида бажариш учун белгиланган тадбирларини тасдиқлаб, анжуман қатнашчиларининг халқ таълими ходимларига мурожаатномасини қабул қилди.

МАСЪУЛИЯТЛИ ЖАРАЁН

Шу йилнинг 9 апрель кунини мамлакатимизда куйи бошқарув идораларига тааллуқли яна бир муҳим ҳужжат эълон қилинди. Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва улар маслаҳатчиларининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 105-моддасида ва «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонуннинг 20-моддасида белгиланган ваколат муддати 2001 йилнинг май-июнь ойларида тугаши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов ўтказишни ташкил этиш тўғрисида» Қарор қабул қилди. Айни кунларда жойларда бу муҳим ва масъулиятли жараёнга тайёргарлик ишлари бошланмоқда. Хусусан, бу қарорнинг ижросини таъминлаш юзасидан вилоятимизда қандай ишлар амалга оширилмоқда?

Мухбиримизнинг вилоят ҳокимлиги ташкилий ишлар ва кадрлар масалалари бўйича гуруҳ раҳбари **Юнусхон Шарипов** билан мулоқоти шу хусусда бўлди.

— **Юнусхон Турсунович, аввало, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов ўтказишни ташкил этиш тўғрисида»ги қарорининг моҳияти ва бу қарор ижроси юзасидан вилоятимизда қандай тайёргарлик кўрилатганлиги тўғрисида тўхталсангиз.**

— Республика Олий Мажлиси Кенгашининг мазкур қарори жуда катта сиёсий-ижтимоий аҳамиятга эга ҳужжатдир. Маълумки, Республика Конституцияси ва «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ бу бошқарув органлари раислари ва маслаҳатчиларнинг ваколат муддатлари ҳар икки ярим йилда тугайди. Демак, ушбу органларга қонун асосида қайта сайловлар ўтказилади. Бу жойлардаги ҳокимликлар ва кадрлар масалалари билан шуғулланувчи гуруҳларга куйи органларнинг бошқарув тизимида ишлаган раҳбарлар ва маслаҳатчиларнинг ишини таҳлил этиш, хулосалар чиқариш, зарур бўлганда уларни ҳар томонлама билимли, салоҳиятли, бугунги кун талабига жавоб бера оладиган кадрлар билан мустаҳкамлашда катта имкониятлар беради. Чунки, ўзини ўзи бошқариш органлари бевосита ўз ҳудудларидаги фуқаролар ва аҳоли билан энг яқиндан иш-

(Давоми. Боши 1-бетда).

лайдиган ва мулоқотда бўладиган тизимдир.

Тошкент вилояти ҳокимлиги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг мазкур қарори ижросини таъминлаш юзасидан амалий ишларни бошлаб юборди. Бу хусусда вилоят ҳокимининг махсус қарори қабул қилинди. Қарорда фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ҳар бир ҳудудда юқори савияда ўтказиш юзасидан туман ва шаҳар ҳокимликлари, тегишли идоралар, ҳокимлик ташкилий ишлар ва кадрлар масалалари бўйича гуруҳларига аниқ вазифалар юклатилди. Шунингдек, вилоятда вилоят ҳокимининг муовини Абдукарим Раҳимбердиев бошчилигида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловни ташкил этиш ва уни ўтказишга кўмаклашувчи махсус комиссия ташкил этилди. Комиссия таркибига ташкилий ишлар ва кадрлар масалалари билан шуғулланувчи мутахассислар билан биргаликда хотин-қизлар кўмитаси, «Нуроний», «Маҳалла», «Қамолот» жамғармалари, меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, молия, адлия бошқармаларининг вакиллари ҳам киритилди, бу комиссия сайловларни ўтказишда ўзининг муносиб кўмагини беради, деб ўйлайман.

Бундан ташқари тайёргарлик жараёнида вилоят комиссияси томонидан тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Ана шу режага мувофиқ апрель, май ойларида семинар-кенгашлар ўтказиш, бу жараёни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминлаш, хуллас, ўнга яқин тадбирлар белгиланганлиги олинди ва айни кунларда режага мувофиқ улар бевосита жойларда, вилоятда ўтказиб борилмоқда.

— **Қарорда ушбу сайловларни ташкилий жиҳатдан юқори савияда ўтказиш билан биргаликда фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари лавозимларига ҳар томонлама муносиб номзодларни тавсия этиш зарурлиги таъкидланмоқда. Назаримизда, бу ҳақиқатан ҳам жуда муҳим масала...**

— Фикрингизни тушундим. Мен юқорида ушбу саволнингизга қисман жавоб бериб ўтдим. Зеро, республикаимизда давлат ҳокимияти органлари ваколатларининг бир қисми босқичма-босқич фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига бериб борилмоқда. Уларнинг вази-фалари, ҳуқуқий мақомлари тобора кенгаймоқда. Шундай экан, бундай йиғинларга ташкилотчи-

аҳолиси ўртасида катта обрў-эътибор ва ҳурматга сазовор бўлган номзодларни кўрсатишнинг даврининг ўзи талаб этмоқда. Вилоят ҳокимлиги мазкур қарор юзасидан ўзининг тадбирларини ишлаб чиқди. Туман ва шаҳар ҳокимликлари ҳамда кадрлар масалалари билан шуғулланувчи гуруҳларга бу масалаларга алоҳида масъулият билан ёндошув тавсия этилмоқда.

Очиғини айтиш керак, бугунги кунда ҳудудлардаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига раҳбарлик қилаётган раислар ва оқсоқолларнинг барчаси ҳам талабга жавоб беролмаяпти. Айни пайтда уларнинг айримлари яна бир бор ўз амалида қолиш учун турли йўللари ишга солмоқчи ёки фойдаланмоқчи бўлишлари ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас. Шунинг учун ҳам биз бу борада биринчи галда жамоатчиликнинг фикрини ва баҳосини ўрганиб, хулоса чиқарсак, тўғри бўлади.

— **Сўзларингиздан маълум бўлдики, Тошкент вилоятида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказиладиган сайловларда вилоятдан сайланган Республика Олий Мажлиси ҳамда вилоят Кенгаши депутатлари, кенг жамоатчилик фаол иштирок этади. Бу куйи бошқарув органларига бўладиган сайловларнинг нафақат юқори савияда ўтишини таъминлайди, балки уларнинг фаолиятини такомиллаштиришда ҳам катта рол ўйнайди.**

— Албатта, вилоятда махсус комиссия ва Олий Мажлис, вилоят Кенгаши депутатлари ҳамда бошқа жамоат ташкилотлари вакилларини бу ишга жалб этишдан асосий мақсад ҳам, аввало, сайловлар ташкилий жиҳатдан юқори савияда ўтишини таъминлаш бўлса, иккинчидан, сайловлар жараёнида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини такомиллаштириш юзасидан билдирилган таклиф-мулоҳазаларни умумлаштириш ва тегишли органларга етказишдир. Бу масала Олий Мажлис Кенгаши қарорига ҳам алоҳида банд сифатида киритилган. Қолаверса, бу таклиф ва мулоҳазалар келгусида ишларимизни такомиллаштиришда катта фойда бериши шубҳасиз.

Сўзимни якунлаб, шуни айтмоқчиманки, республикаимизда масъулиятли жараёнга тайёргарлик бошланди. Ўйлайманки, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига бўладиган сайловлар вилоятимизнинг ҳар бир ҳудудда юқори савияда ўтказилиши учун барча чоратадбирлар кўрилади.

Вилоят ҳокимлигида

ИСТЕЪМОЛЧИ

ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯДА

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ва республика истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси ҳамкорликда «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун талабларини вилоятда тарғиботи, ходимларнинг малакаси ва ҳуқуқий онгини ошириш юзасидан семинар-кенгаш уюштирилди.

Кеча бўлиб ўтган бу йиғилишда вилоят қатор бошқармалари ва бўлимлари, уларнинг шаҳар ва туманлардаги бўлинмалари раҳбарлари, шаҳар ва туман ҳокимларининг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосарлари, саноат, қурилиш ва транспорт корхоналари раҳбарлари иштирок этдилар.

Семинар-кенгашни Республика Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Д.Аҳмедов очди. Шундан сўнг иштирокчилар кун тартибидаги масала юзасидан республика истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамият-

лари федерацияси раиси З.Сайдаминова, вилоят халқ хўжалиги соҳаларида стандартлар, ўлчов воситалари ҳолати ва сертификатлаштириш қоидалари устидан давлат назорати бўлим бошлиғи Н.Жаббаров, вилоят «Дори-дармон» давлат акциядорлик жамияти бошлиғи муовини А.Комилов ва бошқа қатор нотикларнинг турли мавзулардаги маърузаларини тингладилар, уларни муҳокама қилишда қатнашдилар. Ўзларини қизиқтирган турли саволларга батафсил жавоб олдилар.

Семинар-кенгашда вилоят ҳокимининг ўринбосари А.Йўлдошев сўзга чиқди.

Машғулот

ОҚСОҚОТАСОЙДА ЎҚУВ МАШҚЛАРИ

Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ тумани Чахчам қишлоғида «Сел ва кўчки жараёнлари хавф солганда ёки юз берган фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизими бошқарув органлари, хизмат ҳамда тузилмаларининг ҳаракатлари» мавзусида кўргазмали тактик-махсус республика ўқув-машқи ўтказилди.

Республика Фавқулодда вазиятлар вазирлиги авария-қутқарув бўлинмалари томонидан ўқув машқи ўтказилган жой бежиз танланмаган. Чунки, Чахчам қишлоғи ёнидан оқиб ўтувчи Оқсоқотасой ўзининг беқарорлиги билан ажралиб туради. Унинг атрофида истиқомат қилувчи аҳолини фавқулодда вазиятларга тайёрлаш, тошқин, сел ёки кўчки ҳодисалари билан боғлиқ офат рўй бергудек бўлса, одамларни хавфсиз жойларга хатарсиз кўчириб ўтказиш кўзда тутилган.

Айтиш жоизки, машқ жараёнида қутқарув кучлари томонидан республика, вилоят ва туман марказлаштирилган хабар бериш тизими фаолиятининг ҳаракатчанлиги ва самарадорлиги, фавқулодда вазият

содир бўлганда кўчириб келтирилган аҳоли учун жой тайёрлаш, улар учун зарур яшаш шароитларини яратиш ишлари амалда синовдан ўтказилди.

Ўқув машқида фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизими бошқарув органлари, Фавқулодда вазиятлар, Ички ишлар, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, «Ўзавтотранс» давлат концерни, Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги, республика Қизил ярим ой жамияти миллий кенгаши қутқарув бўлинмалари, Тошкент вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси авария-қутқарув кучлари иштирок этдилар.

Азамат СУЮНОВ.

Рақс санъатимиз довруғи

29 апрель — Жаҳон

рақс кунини

ЮНЕСКО қарори билан йигирма беш йилдан бери 29 апрель жаҳон рақс кунини сифатида нишонлаб келинади. Мукаррама Турғунбоева номидаги «Ўзбекрақс» миллий рақс бирлашмаси ЮНЕСКОнинг байналмилал рақс қўмитасига қабул қилинган, ўзбекистонлик санъаткорлар ҳам бутун дунёда кўзга кўринган жамоалар, танқидли балетмейстерлар аъзо бўлган ушбу нуфузли ташкилот сафида ўзбек миллий рақс санъатини, унинг тарихини дунёга янада кенгроқ танитиш имконига эга бўлди. Ўзбек рақс усталари ва балетмейстерларидан бир гуруҳи ана шу қўмитанинг навбатдаги симпозиумига таклиф этилиши ҳам миллий санъатимиз эътирофидир.

Бугунги кунда жамоа Франция, Япония, Германия, Белгия, Голландия, Туркия каби кўплаб мамлакатларда ўтказилган халқаро фестивалларда, юртимизда ўтаётган тадбирларда фаол иштирок этмоқда. Бундай анжуманларда санъаткорларимиз ўзбек миллий рақси шухратини оламга таратишга катта ҳисса қўшмоқда. Жумладан, Голландияда ўтган фестивалда «Тановар» рақс театри «Темурий маликалар» спектаклидан лавҳалар намойиш этди. Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Дилором Мирзаева яратган Бибиҳоним сиймоси хорижликларни ҳайратга солди.

Б.МАНСУРОВ, ЎЗА мухбири.

«ЎТКИР»НИНГ ШАҲДАМ ОДИМЛАРИ

Янгийўлда бўлган киши, шубҳасиз, «Ўткир» хусусий ишлаб чиқариш ва тижорат фирмасининг довуғидан хабар топади. Ва, албатта, ҳайратга тушади

Аслида ҳам ҳайратланмаслик мумкин эмас. Ўзбекистонимиз мустақиллиги укўвли, шижо-аткор, етти ўлчаб бир кесганидан кейин йўлда учраган қийинчиликларни писанд қилмайдиган кишилар учун ўз ақл-идроки ва талантини намоеён этишнинг шундай йўллари очдики, улар вақт билан ҳисоблашмасдан, кечаю кун-

дуз тиним билмай фаолият олиб боришяпти. Ҳали айрим кишилар жамиятда, мустақилликни қўлига олган мамлакатда қандай жараёнлар бошла-наётганлигини идрок қилиб улгурмай, зукко ва дангалчи тadbиркорлар қанотни кенг ёйиб, пар-возни бошлаб юборишганди. «Ўткир» шу қалдирғочларнинг бири бўлди.



ЙЎЛ БОШИДА

Дастлабки пайтлардаги қийинчиликлар ҳаёлимга келиб қолса, ҳали-ҳали ҳайрон бўлиб юраман, — эслайди фирма раҳбари Гулчехра Махмудова.

Гулчехра Атхамовна бироз тин олди. Ҳаёллар оғушига шунингиз кезлари у тadbиркор-лик фаолиятининг дебочаси — муъжазгина тикувчилик цехини кўп эслайди. Ҳали тажрибасиз, кўнгил шижоатга тўлаю амалий иш малакаси етишмайдиган кезлар. Қоқилиб-суқилиб, 12 ишловчи бир маромда ишла-шига эришган, бежирим кийим-кечаклар тобора харидоргир бўлиб борган кунлардаги кувончиники кўйберасиз. Шун-дай паллаларда йўл бошидаги паст-баланд гап-сўзлар, тикув машинаси топилса, кўнгилдаги мато бўлмай иш тўхтаб қолган-даги ташвишлар кўклагини бу-лутлардек кўтарилиб кетарди.

Тикувчилик цехи бир текис ишлай бошлади. Хомашё то-пиш, маҳсулотни сотиш, техно-логик ускуналар росмана иш-лашини таъминлаш жараёнла-ри юришиб кетди. Бундан рух-ланиб юрган кезларида тadbир-корликнинг яна бир йўналиши-

Машиналар турадиган алоҳида майдончалар жиҳозланди. Маши-насида бозорга келадиган одам-ларнинг ҳам кўнгиллари тўқ бўлиб қолди. Бозор атрофларида тар-тиб қарор топди.

ОДДИЙ ХИЗМАТЛАРДАН — ЙИРИК ЛОЙИҲАЛАРГА

Ҳамиша шундай бўлади. Ин-сон ўз имконият даражасини доим ҳам аниқ тасаввур қилмай-ди. Не-не кашфлар, замондош-ларни ҳайратга солиши мумкин бўлган нарсалар соҳида шу та-риқа мудроқ идрок тубида йўқ бўлиб кетади.

«Ўткир» мисоли бунинг акси. Хусусий сармоядорнинг муста-қиллик очган имкониятлардан фойдаланиш, эл-юрт фаровонли-гини ошириш, одамларга иш бериш, мамлакат равнақига ҳисса қўшиш иштиёқи туфайли кичик бир цех бугун кўпларни ҳайратга солувчи йирик ишлаб чиқариш ва тижорат фирмасига айланди.

Албатта, бу ўз-ўзидан бўлгани йўқ. Давр руҳини англаш, ниҳоят ўз мустақиллигига эришган она-Ватаннинг иқтисодий салоҳияти-ни кўтаришга бўлган журъатли-бир интилиш йўллардаги говлар-ни бирин-кетин бартараф этиб борди.

Тикувчилик цехи, нон маҳсу-лотлари кичик корхонаси, дўкон-лар ва қаҳвахона, бозор ҳудудини тартибга солиш борасидаги тadbиркорлик изла-нишлари кейинги чинакам парвоз-лар учун пухта

иқтисодий-молиявий замин ярат-ди. «Ўткир» фирмаси соҳиблари энди бирмунча йирик лой-йиҳаларни рўёбга чиқариш усти-да ишлай бошлашди. Бу борада кетма-кет дадил-дадил қадамлар қўйилди.

Биринчи қадам. Тadbиркор-лик ҳаракати ибтидосида Янгийўлда «Яфас ота» хусусий гишт заводи барпо этилган эди. Аф-суски, унинг мулкдорлари бу ишни эплай олишмади. Ишлаб чиқаришда на суръат, на сифат-га эришилди. Пировардида, кор-хона инқирозга юз тутиб, сотув-га қўйилди. «Ўткир» мулкдорлари ҳеч иккиланишмади — уни сотиб олишди. Улар корхонани қайта «жонлантириш»нинг ягона тўғри йўллари топа билишди. Авва-ло, ишловчиларнинг меҳнат ва

маиший шароитлари яхшиланди. Шундан кейин ҳар ким ўз иш жойида режали, унумли ва си-фатли меҳнат қила бошлади. Иккинчидан, технологик ускуна-ларни таъмирлаш, ишлаб чиқа-ришни ташкил этишнинг янги, замонавий усуллари жорий этишга киришилди. Ниҳоят, за-вод жамоаси кунига 120 минг дона бир яримталиқ пишиқ гишт ишлаб чиқариш даражасига кўта-рилди. Бу маром бугун муқим тус олган.

Иккинчи қадам. Мустақил-лик йиллари қурилишлар, обо-донлаштириш ишлари ўзгача



суръат касб этди. Демакки, қури-лиш материалларига эҳтиёж ку-чайди. «Ўткир» соҳиблари бу эҳтиёжни илгарироқ ҳис этиб, шунга монанд йўл излай бошлаш-ди. Бетон заводи очиш лойиҳаси шу тариқа туғилди. У ҳам шид-дат билан амалга оширилди. Бугун бу ерда ишлаб чиқариш ва уй-жой бинолари учун бетон пой-девор блоклари, қум-шағал қоршима, бетон устунлар ва бош-қа қурилиш материаллари ишлаб чиқариляпти.

Учинчи қадам. Янгийўлнинг марказида бир супермаркет очилган эди. Лекин қуруқ савдо-сотик билан иш битмайди-да. Дангиллама супермаркет қисма-ти ҳам тadbиркорликнинг муваф-фақиятини таъминлаш асоси ҳисобланган бу фикрни тасдиқ-лади: бино тўрт-беш йил куп-қуруқ савлат тўкиб қолди. «Ўткир» фирмаси бу қаровсиз бинони ҳам сотиб олиб, уни йирик замона-вий ресторанга айлантиришни жазм қилди. Пировардида 700 ўринли ресторан барпо этилиши-га олиб боровчи бу лойиҳа дара-ги даставвал чоғроқ бу шаҳарда-ги баъзи бировларни довдиратиб қўйди. Лекин асло қатъиятли мулкдорларни эмас. Улар режа-ларини изчил амалга ошираве-дилар. Бино қисқа муддатда мут-лақо янги қиёфа касб этди.

Бугун «Мадина» ресторани сергавжум, файзли бир макон.

Унинг аҳолига хизмат кўрсатиш йўналишларининг ҳисоби йўқ. Ян-гийўлликлар ўз яқинларининг юбилейларини, никоҳ кечалари-ни, катта-кичик оилавий тadbир-ларни, гап-гаштакларини «Мадина»да ўтказганликлари билан фахрланадиган бўлиб қолишди.

Тўртинчи қадам. 96-йиллар эди. «Тинчлик» жамоа ҳўжалиги-нинг ташландиқ бир молхонаси-

«Ўткир»нинг режалари ҳам қадамларига хос қўламли.

— Чорвачилик ривож олая-ти, — дейди Махмудова. — Шун-и ҳисобга олиб, эндиликда сут маҳсулотларини қайта ишлай-диган корхона қуриш лойиҳа-сини кўриб чиқаямиз. Техно-логик ускуналарни Исроилдан оламиз.

ИНСОН ОМИЛИ — БИРИНЧИ ЎРИНДА

Фирма фаолиятининг йўна-лишлари билан танишиб бор-ган сарингиз, бир савол кўнда-ланг бўла беради: «Хўш, иш-ловчилар-чи, уларнинг аҳволи, руҳияти қандай?»



Цехларда, кичик корхоналар-да, дала ва боғларда бугун 400 одам ишлаяпти. Демакки, «Ўткир» шунча кишига бугун пушти-паноҳ. Ишловчиларнинг ўз иш жойига муносабатини кўрсатувчи бир изоҳ шуки, фирмада ишчи кучи муқим. Чунки, ҳар бир жамоада одам-лар учун қулай меҳнат шарои-ти яратилган. Мўмай маошлар вақтида берилади. Янги гишт заводи ишга тушиши билан яна 120 ишчи ўрни пайдо бўлади.

Ҳар бир ишловчи нақд иш ҳақидан ташқари вақти-вақти билан гўшт ва сут олиб тура-ди. Печлардан ҳозиргина чиқ-қан иссиқ нонлар эса — ўзла-риники. Бунга ҳаёт дейдилар. Мабодо бирор киши, у ҳоқ фирма корхоналарининг иш-ловчиси бўлсин, ҳоқ олис-яқин-дан зориқиб мурожаат этгучи бўлсин, «Ўткир» паноҳида хо-жати чиқмасдан, ноумид қайт-майди. Фирма соҳиблари ҳайр-эҳсонли, очикқўл инсонлар. Мактабларга дарсликлари ўқув-чиларга кийим-бош дейсизми, маҳаллаларни ободонлашти-риш дейсизми, ҳамиша хожат-



ни очиш режаси туғилди. Нон маҳсулотлари ишлаб чиқарув-чи янги қувватни барпо этишга киришди. Кўп ўтмай янгийўл-ликлар ўз тadbиркорлари ишга туширган корхонанинг иссиқ-иссиқ нонларини харид қила бошлашди.

— Бозорга ҳамма боради, — дейди Гулчехра Махмудова да-стлабки йиллар изланишлари-ни бир-бир кўз олдига келти-риб. — Ўша йиллари Янгийўл бозори хийла бетартиб эди. Ти-қилинчлик, бакир-чақир, маши-наларнинг ҳар оҳангдаги сиг-наллари асабни бузарди.

«Ўткир» фирмаси яна бир масъулиятни ўз зиммасига олди. Машиналарнинг бозор атрофида бетартиб туришига барҳам беришга аҳд қилинди.



ни чиқаришади. Яқинда «Меҳ-рибонлик уйи» тарбияланувчи-лари учун фирма 1,5 миллион сўмлик мебеллар, гиламлар, кўрпа-тўшаклар олиб берди.

«Ўткир» фирмаси фаолияти тимсолида биз мустақиллик кашф қилган янги давр киши-ларининг қиёфасини кўрдик. Мамлакатимизда истиқлол ту-файли очилган кенг йўлга да-дил-дадил чиқаётган бундай тadbирли, журъатли, саховат-пеша инсонлар сафи кенгай-версин.

Жўрабек МУРОДОВ.

Даврон АҲМАД
олган суратлар.

Dushanba

30

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.45 «Тахлилнома».
*
8.45 ТВ-маркет.
8.50 Улуг аждодларимизга эхтиром.
«Имом-ал Бухорий» («Узкинохроника»)
9.10 Лирик тароналар.
9.35, 12.30 ТВ-метео.
9.40 «Санъат олами».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилар
10.05 «Ўрдакўл воқеаси». Бадий фильм.
11.10 «Шохрух клуби».
11.40 Ўзбекистон телерадиокомпанияси камер оркестрининг концерти.
12.05 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
12.35 «Учинчи сайёра сири». Мультфильм премьераси.

13.20 «Яхшилар ёди». Ўзбекистон халқ артисти Х. Охунова хотирасига бағишланган бадий-музикавий дастур.
14.10 ТВ-1 намойиш этади. Телеанонс.
14.25 «Олам». Телеальманах.
14.55 «Балли, раислар!» Телемусобақа.
15.50 «Бу ажиб фасл». Телеальманах.
16.15 **Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллигига**. «Биз билган, билмаган тарих».
16.45 Болалар учун. «Бинафша».
17.10 Экранда - телесериал. «Борже узуги».
18.10 «Маърифатли дунё».
18.25 ТВ-клип.
18.35 «Сугурта».
18.50 «Бахтли воқеа». Телелотерея.

19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртақлари.
20.15 «Биржа ва банк хабарлари».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Баркамол авлод» спорт ўйинларининг тантанали очилишига бағишланган бадий - спорт байрами.
22.25 «Қалбингиз қушиққа тўйсин». Музикавий дастур.
22.55 Теннис бўйича «Фьючерс» халқаро турнири.
23.25 «Ахборот».
24.00-00.05 Ватан тимсоллари.
«Ёшлар» телеканал
10.55 Кўрсатувлар дастури.
11.00 «Давр тонги».
12.00 «Алишер Навоий». Видеофильм. 13-қисм.
12.35 Олтин мерос.
12.40 «Давр». Ҳафта ичида.
13.20, 16.10 Музикавий

лаҳзалар.
13.25 «Тоҳир ва Зухра». Бобур номидаги Андижон вилоят музикаий драма театрининг спектакли. 1-қисм.
15.10 2001 йил - Оналар ва болалар йили. «Фарзандим-жигарбандим».
15.25 «Тоҳир ва Зухра». Бобур номидаги Андижон вилоят музикаий драма театрининг спектакли. 2-қисм.
15.55 Спорт ҳафтано-маси.
16.15 «Оби ҳаёт». Экологик тележурнал.
16.35 Кўрсатувлар дастури.
16.40 «Янги авлод» почтаси.
16.55 «Самовий саргузаштлар». Болалар учун телесериал. 16-қисм.
17.20 «Мульттомоша».
17.35 Умид чечаклари.
17.45 Олтин мерос.
17.50 Хотира ва Қадрлаш куни олди-дан: «Эрта сўнган юлдузлар».

Шарофиддин Шарипов.
18.10 Оқшом наволари.
18.25, 21.55 Иқлим.
18.30 «Давр». Ахборот дастури.
18.55, 20.30, 22.30 Эълонлар
19.00 «Баркамол авлод» спорт ўйинларининг тантанали очилиш маросими.
Жиззаҳдан олиб кўрсатилади.
20.35 Фуқрат Мирзаев куйлайди.
20.50 Қишлоқдаги тенгдошим.
21.10 Ватан ҳақида қушиқ.
21.15 **Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллигига**. «Бунёдкорлик».
«Одамларнинг ғамини ўйлаб...»
21.45 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Тунги тароналар ва «Эколаш» латифалари.
22.40 «Даллас». Телесериал.

23.25 «Давр». Ахборот дастури.
23.40 «Ёшлар» телеканалда спорт: Футбол. Ҳафтанинг энг яхши ўйини.
1.10-1.15 Хайрли тун!
«Тошкент» телеканал
18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 «Музикаий меҳмонхона».
18.30, 21.00, 22.35, 23.50 «Пойтахт». Ахборот дастури.
19.00 «Эхтиром ила».
19.30 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
20.10, 21.30 «Табриклимиз, қутлаймиз».
20.40, 22.15 «Экспресс» телегазетаси.
22.00 «Авто-news».
23.05 «Оҳанглар ва эълонлар».
23.10 ТТВда сериал: «Селеста».
00.20-00.25 «Хайрли тун, шахрим!»
«Халқаро» телеканал
14.00-15.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИНИЕСИ

15.00 Кўрсатувлар

тартиби.
15.05 FCN «Ўзбекистон янгилари» (инглиз тилида)
15.15 «Мультчархпалак».
15.30 «Вести».
16.00 «Морена Клара». Сериал.
16.45 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
16.55 CFI тақдим этади: «Канн Фестивалининг тарихи».
17.25 «Болалар куйлаганда».

17.40 «Ким миллионер бўлишни истайди?» Телеўйин.
18.50 «Зарбдор куч». Сериал.
20.00 «Время».

20.35 «Бизнес-ревью».
20.45 «ТВ-4 да Немис тўлкини».
21.05 «Клип антракт».
21.20 Кинематограф. «Хусусий детектив - Варшавский». Бадий фильм.
23.00 «Ахборот» (рус тилида)
23.25 «Тунингиз осуда бўлсин!»

Seshanba

1

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
*
8.35, 17.55 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
8.55 «Ўзбектеелефильм» намойиши: «Ўзбекистон табияти».
9.15, ТВ-метео.
9.20 «Муҳаббат соғинчи». Музикаий композиция.
9.40 «Шарқнинг машҳур аёллари».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилар
10.05 Экранда - кинокомедия. «Гугурта кетиб».
11.35, 15.55 ТВ-анонс.
11.40 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».
12.05 «Баркамол авлод» спорт ўйинларининг тантанали очилишига бағишлан-

ган бадий - спорт байрами.
13.25 «Музика: кеча ва бугун».
14.10 Кундузги сеанс: «Мутлоқ устунлик билан». Бадий фильм.
15.20 «Бешбармоқ». Тележурнал.
15.35 «Оталар сўзи - ақлнинг кўзи».
16.25 Кураш бўйича Осиё чемпионати якунларига доир.
16.55 «Ватанимга хизмат қиламан».
18.10 Ойнаи жаҳон тақдироти: «Қиролликдаги саргузаштлар». Мультфильм премьераси.
18.35 «Орзулар дово-ни».
18.45 «Олтин мерос».
18.55 «Омад қувончи». Телелотерея.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус

тилида)
20.00 Оқшом эртақлари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгилари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Қабул соати».
21.30 «Баркамол авлод» спорт ўйинлари кундалиги.
22.00 «Келин - куёв». Телешоу.
23.05 «Ахборот».
23.40 Тунги сеанс: «Ота меҳрини кўрмаганлар». Бадий фильм.
1.10-1.15 Ватан тимсоллари.
«Ёшлар» телеканал
8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» почтаси.
9.30 «Самовий саргузаштлар». Болалар учун телесериал. 16-қисм.
9.55, 11.30, 14.30 Музикаий лаҳзалар.
10.05 «2000 йилдан

сўнг». Телесериал.
10.25 «Ташаббус-2001». Республика танловининг якуний босқичи.
10.45 «Даллас». Телесериал.
11.45 «Ёшлар» телеканалда спорт: Теннис.
12.25 «Интеграл». Бадий фильм.
13.45 «Кусто команда-сининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 85-қисм.
14.40 «Ёшлар» телеканалда спорт: Футбол. Ҳафтанинг энг яхши ўйини.
16.15 Ватан ҳақида қушиқ.
16.20 Кўрсатувлар дастури.
16.25 «Янги авлод» студияси: Болалар учун концерт.
16.40 «Самовий саргузаштлар». Болалар учун телесериал. 17-қисм.
17.05 «Мульттомоша».
17.20 Хотира ва Қадрлаш куни олди-дан: «Эрта сўнган юлдузлар». Шуҳрат

Абдурашидов.
17.40 Олтин мерос.
17.45 Минг бир маслаҳат.
18.05 Авторейд.
18.20 Алишер Навоийнинг 560 йиллигига. «Барҳаёт Навоий».
18.40 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс ва «Эколаш» латифалари.
19.35 «Давр»-интервью.
19.50 Алишер Навоий 560 йиллигига. «Алишер Навоий». Видеофильм 14-қисм.
20.25 Марду майдон.
20.45, 21.25, 22.30 Эълонлар
20.50 «Ёшлар» телеканалда премьераси: «Индиана Жонс ва сўнгги салб юриш». Бадий фильм. 1-қисм.
21.30 Ёшлар овози.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Тунги тароналар ва «Эколаш» латифалари.

22.40 «Даллас». Телесериал.
23.25 «Давр». Ахборот дастури.
23.40 «Ёшлар» телеканалда спорт: Снукер бўйича жаҳон чемпионати.
0.15-0.20 Хайрли тун!
«Тошкент» телеканал
18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 Мультфильм.
18.30, 21.00, 22.50, 00.05 «Пойтахт». Ахборот дастури.
19.00 «Эхтиром ила».
19.30 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
20.10, 21.30 «Табриклимиз, қутлаймиз».
20.40, 22.30 «Экспресс» телегазетаси.
22.00 «Туризм ҳақида».
23.20 Оҳанглар ва эълонлар.
23.25 ТТВда сериал: «Селеста».
00.35-00.40 «Хайрли тун, шахрим!»
«Халқаро» телеканал
14.00-15.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИНИЕСИ

15.00 Кўрсатувлар тартиби.
15.05 «Мультчархпалак».
15.20 «Клип-антракт».
15.30 «Вести».
16.00 «Морена Клара». Сериал.
16.50 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
17.00 «Олам бўйлаб».
17.50 Болалар куйлаганда».
18.05 «Контакт».
18.20 CFI тақдим этади: «Канн Фестивалининг тарихи».

18.50 «Зарбдор куч». Сериал.
20.00 «Время».
20.35 «КВН-2001».
*
22.50 «Бизнес-ревью».
22.55 «Клип-антракт».
23.00 Кинематограф. «Гувоҳ». Бадий фильм.
00.55 «Ахборот» (рус тилида)
1.20 «Тунингиз осуда бўлсин».

Chorshanba

2

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
*
8.35, 17.55 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
8.55 «Созим - ҳамрози». Музикаий дастур.
9.15 «Ўзбектеелефильм» намойиши: «Асрлардан ҳикоя сўйлаб».
9.30 «Аёл - дунёни тебратар». Бадий - публицистик кўрсатув.
9.45, 12.15 ТВ-метео.
9.50 «Тиббиёт одимлари».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилар
10.05 «Париларнинг кузги совғаси». Бадий фильм.
11.15, 16.55 ТВ-клип.
11.20 «Камолот сари».
11.40 «Фарзанд - умид юлдузи».

11.55, 13.55 ТВ-анонс.
12.05 «Нўхот полвон». Мультфильм.
12.20 «Баркамол авлод» спорт ўйинлари.
12.50 «Маънавият» дастури.
13.35 «Ракслар гулдас-таси».
14.10 «Қабул соати».
14.35 Кундузги сеанс: «Эртақлар тарқ этган дара». Бадий фильм.
15.50 «Остонаси тиллодан».
16.15 «Кувноқ стартер». Телемусобақа.
17.05 Экранда - телесериал «Борже узуги».
18.10 Болалар учун. «Жажжи гўзал».
18.30 «Иқтисод ва биз».
18.40 «Муҳаббатнинг сирли эртаги». О. Ёрова.
19.05 «Инсон ва қонун».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.25 Эълонлар

19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртақлари.
20.15 «Юзма-юз».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Долзарб мавзу».
21.30 «Баркамол авлод» спорт ўйинлари кундалиги.
22.00 «Қўшигимиз сизга армуғон». Музикаий дастур.
22.30 «Олам». Телеальманах.
23.05 «Ахборот».
23.40 «Келдию, кетди». Бадий фильм.
1.10-1.15 Ватан тимсоллари.
«Ёшлар» телеканал
8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: Болалар учун концерт.
9.30 «Самовий саргузаштлар». Болалар учун телесериал. 17-қисм.
9.55 «Давр»-интервью.
10.10 «2000 йилдан сўнг». Телесериал.
10.30, 13.40 Музикаий

лаҳзалар.
10.40 «Алишер Навоий». Видеофильм. 14-қисм.
11.15 Олтин мерос.
11.20 «Даллас». Телесериал.
12.05 Ёшлар овози.
12.25 Болалар экрани. «Фил йўқолди».
13.50 «Индиана Жонс ва сўнгги салб юриш». Бадий фильм. 1-қисм.
14.25 Авторейд.
14.40 «Эҳтимол улар ақлдан озигандир». Телесериал.
15.05 Алишер Навоийнинг 560 йиллигига. «Барҳаёт Навоий».
15.25 «Тубанлик». Бадий фильм (Хитой) * * *
16.40 Кўрсатувлар дастури.
16.45 «Янги авлод» студияси: «Кичкинтой театри».
17.05 «Самовий саргузаштлар». Болалар учун телесериал. 18-қисм.
17.30 Мезон.
17.45 «Баркамол

авлод» спорт ўйинлари кундалиги.
17.55 «Учинчи сайёра» маърифий дастури: «Ёввойи ҳаёт посбонлари».
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс ва «Эколаш» латифалари.
19.35 «Ракурс». Ҳасан Ражабий.
19.55, 21.10, 22.30 Эълонлар
20.00 Спорт-лото.
20.10 Очил дастурхон.
20.25 Музикаий лаҳзалар.
20.30 «Алишер Навоий». Видеофильм. 15-қисм.
21.00 Шавкат Тошматов куйлайди.
21.15 «Индиана Жонс ва сўнгги салб юриш». Бадий фильм. 2-қисм.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Каталог.
22.40 Тунги тароналар ва «Эколаш» латифа-

лари.
22.50 «Даллас». Телесериал.
23.35 «Давр». Ахборот дастури.
23.50 «Ёшлар» телеканалда спорт: Футбол. Чемпионлар лигаси.
1.20-1.25 Хайрли тун!
«Тошкент» телеканал
18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 Мультфильм.
18.15 «Мисли гавҳар».
18.30, 21.00, 22.40, 23.55 «Пойтахт». Ахборот дастури.
19.00 «Эхтиром ила».
19.30 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
20.10, 21.30 «Табриклимиз, қутлаймиз».
20.40, 22.20 «Экспресс» телегазетаси.
22.00 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
23.10 Оҳанглар ва эълонлар.
23.15 ТТВда сериал: «Селеста».
00.25-00.30 «Хайрли тун, шахрим!»
«Халқаро» телеканал
14.00-15.00 ТУРКИЯ

ТЕЛЕВИДИНИЕСИ

15.00 Кўрсатувлар тартиби.
15.05 FCN «Ўзбекистон янгилари» (инглиз тилида)
15.15 «Мультчархпалак».
15.30 «Вести».
16.00 «Морена Клара». Сериал.
16.50 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
17.00 «Х-Спорт».
17.10 CFI тақдим этади: «Канн Фестивалининг тарихи».

17.40 «Ким миллионер бўлишни истайди?» Телеўйин.
18.50 «Зарбдор куч». Сериал.
20.00 «Время».
*
20.35 «Бизнес-ревью».
20.45 «СНН-шоу».
21.00 «Клип-антракт».
21.15 Кинематограф. «Шоушенкадан қочиш». Бадий фильм.
23.35 «Ахборот» (рус тилида)
24.00 «Тунингиз осуда бўлсин».

Payshanba

3

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
*
8.35, 17.55 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
8.55 «Жозиба».
Музикаий дастур.
9.15 «Ўзбектеелефильм» намойиши: «Тоғлар-

нинг гули ўзгача».
9.35, 12.20 ТВ-метео.
9.40 «Муруват».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилар
10.05 «Талаб ва тақдир».
10.20 «Ажаб саодат эрур». Бадий - публицистик кўрсатув.
10.40 «Сехрли тун». Бадий фильм.

11.40 Болалар учун. «Жажжи гўзал».
12.05 «Кўнғирқул». Мультфильм премьераси.
12.25 «Баркамол авлод» спорт ўйинлари.
12.55 «Музика ва театр».
13.20 «Олам». Телеальманах.
13.55 ТВ-анонс.
14.10 «Ўйла! Ўйла! Топ!» Телемусобақа.
14.50 «Аъналар этади давом». Музикаий дастур.
15.10 Кундузги сеанс: «Болажон қиз». Бадий фильм.
16.25 «Цирк! Цирк! Цирк!»
16.45 «Хуқуқ сабоқлари».
17.05 ТВ-интернет.
17.10 Хотира ва Қадрлаш куни олди-дан.
«Ўзбектеелефильм» намойиши: «Шаҳидлар хотираси».
17.30 «Харита». Халқаро шарҳ.
17.45 «Шеър ва шуур».
18.10 Болалар учун.

«Санъат гунчалари».
18.25 «Тилга эътибор».
18.40 «ТВ-клуб».
19.00 «Ҳидоят сари».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.25 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртақлари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгилари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг V сессияси олди-дан.

«Парламент вақти».
21.30 «Баркамол авлод» спорт ўйинлари кундалиги.
22.00 Санъат усталари ва ёш ихрочилар концерти.
22.30 Умр мазмуни.
22.55 Эълонлар.
23.00 «Ахборот».
23.35 Тунги сеанс: «Малласоч малика». Бадий фильм.
00.55-1.00 Ватан тимсоллари.
«Ёшлар» телеканал
8.55 Кўрсатувлар

дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Кичкинтой театри».
9.35 «Самовий саргузаштлар». Болалар учун телесериал. 18-қисм.
10.00 «2000 йилдан сўнг». Телесериал.
10.20 «Алишер Навоий». Видеофильм. 15-қисм.
10.50 Олтин мерос.
10.55 «Даллас». Телесериал.

дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Кичкинтой театри».
9.35 «Самовий саргузаштлар». Болалар учун телесериал. 18-қисм.
10.00 «2000 йилдан сўнг». Телесериал.
10.20 «Алишер Навоий». Видеофильм. 15-қисм.
10.50 Олтин мерос.
10.55 «Даллас». Телесериал.

11.40 Мезон. 12.00 «Ёшлар» телеканалда спорт: Снукер бўйича жаҳон чемпионати. 12.35 «Индиана Жонс ва сўнгги салб юриш». Бадий фильм. 2-қисм. 13.10 Мусикий лаҳзалар. 13.20 «Ёшлар» телеканалда спорт: Футбол. Чемпионлар лигаси. 14.50 Ёшлик наволари. 15.00 Сенинг вақтинг. 15.20 Спорт қитъаси. 15.45 Кўнгил кўнгилга пайванд.	16.15 Кўрсатувлар дастури. 16.20 «Янги авлод» студияси: «Шум болалар». 16.40 «Самовий саргузаштлар». Болалар учун телесериал. 19-қисм. 17.05 Хотира ва кадрлаш кўни олдидан. «Зиё улашган инсон». 17.25 Олтин мерос. 17.30 Мутуйба. 17.55 «Баркамол авлод» спорт ўйинлари кўндалиги. 18.05 Ёшлар овози. 18.25 Табобат оламида.	18.45 Оқшом наволари. 18.55, 21.55 Иқлим. 19.00 «Давр». Ахборот дастури. 19.30 ТВ-анонс ва «Эколаш» латифалари. 19.35 «Давр»-интервью. 19.50 «Алишер Навоий». Видеофильм. 16-қисм. 20.20 Одамлар орасида. 20.40, 21.20, 22.30 Ёшлар. 20.45 «Индиана Жонс ва сўнгги салб юриш». Бадий фильм. 3-қисм. 21.25 Мусикий лаҳзалар. 21.30 Бегойим.	21.50 Олтин мерос. 22.00 «Давр». Ахборот дастури. 22.30 Тўнги тароналар ва «Эколаш» латифалари. 22.40 «Даллас». Телесериал. 23.25 «Давр». Ахборот дастури. 23.40 «Ёшлар» телеканалда спорт: Футбол. Чемпионлар лигаси. 1.10-1.15 Хайрли тун! «Тошкент» телеканал 18.00 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 «Митти юлдузлар». 18.30, 21.00, 23.00,	00.15 «Пойтахт». Ахборот дастури. 19.00 «Эхтиром ила». 19.30 ТТВда сериал: «Санта-Барбара». 20.10, 21.30 «Табриклимиз, қўллаймиз». 20.40, 22.40 «Экспресс» телегазетаси. 22.00 «Этикод». 22.15 «Ёшлар худуди». 23.30 Оҳанглар ва эълонлар. 23.35 ТТВда сериал: «Селеста». 00.45-00.50 «Хайрли тун, шаҳрим!» «Халқаро» телеканал РЖТ 6.30-8.00 *** 14.00-15.00 ТУРКИЯ	ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ *** 15.00 Кўрсатувлар тартиби. 15.05 «Мультичархпалак». 15.25 «Клип-антракт». 15.30 «Вести». 16.00 «Морена Клара». Сериал. 16.50 «Вақт хазинасида». 17.05 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви. 17.15 «Болалар куйлаганда». *** 17.25 «Кусто команда-сининг барча саёхатлари». Сериал. 17.55 «Инсон ва қонун».	18.40 «Махфий хужжатлар». Сериал (X-files) 19.25 «Аралаш» ҳажвий киножурнал. *** 19.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!» 20.00 «Время». *** 20.40 «Бизнес-ревью». 20.45 «Соккер клуб». 21.05 «Кино сайёраси». 21.25 Кинематограф. «Жинжер ва Фред». 23.30 «Ахборот» (рус тилида) 23.55 «Тунингиз осуда бўлсин!»
--	--	--	---	---	---	--

JUMA «Ўзбекистон» телеканал 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот». *** 8.35, 17.55 ТВ-маркет. 8.40 Газеталар шарҳи. 9.00 «Ўзбектелефильм» намоиши: «Халқ усталари сулоласи. Гилам. Сўзана». 9.20 Мумтоз наволар. 9.45, 12.25 ТВ-метео. 9.50 «Кудук». Мультфильм. 10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар 10.05 «Инсон ва замин». 10.20 Болалар экран: «Шайтонвачча». Бадий фильм. 11.35 «Оламни асран!» 11.55, 15.05 ТВ-клип. 12.05 «Кичкинтой устахонаси». 12.30 «Ўзгилгинг намоён қил!» Экранда - Хоразм	4 вилояти. 12.55 «Баркамол авлод» спорт ўйинлари. 13.25 «Муҳлис ёхуд қўшиқ изидан». Мусикий дастур. 13.55, 16.40 ТВ-анонс. 14.10 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг V сессияси олдидан. «Парламент вақти». 14.35 «Яшил чироқ». Телемусобақа. 15.10 Кундузги сеанс. «Ўйлашни». Бадий фильм. 16.50 «Навбахор» ашула ва рақс ансамблининг концерти. 17.15 «Бизга аталган кун». Бадий - публицистик кўрсатув. 17.35 Болалар учун. «Доно бобо даврасида». 18.10 «Адолат мезони». 18.30 Мусикий альбом. 18.35 «Омад қувончи». Телелотерея. 19.05 «Имконият».	19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Ёшлар 19.30 «Ахборот» (рус тилида) 20.00 Оқшом эртақлари. 20.15 «Тиббиёт одимлари». 20.30 «Ахборот». 21.05 «Санъатга бахшида умр». Б. Давидова. 21.30 «Баркамол авлод» спорт ўйинлари кўндалиги. 22.00 «Зиё» студияси намоиш этади: «Этикод мустақамлиги йўлида». 22.30 «Бугуннинг аёли». 23.10 «Олам». Телеальманах. 23.45 «Ахборот». 00.20 Экранда - кинокомедия. «Бензо-колонка маликаси». Бадий фильм. 1.30-1.35 Ватан тимсоллари. «Ёшлар» телеканал 8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 «Давр». Ахборот дастури. 9.15 «Янги авлод» студияси: «Шум болалар».	9.35 «Самовий саргузаштлар». Болалар учун телесериал. 19-қисм. 10.00 «Давр»-интервью. 10.15 «2000 йилдан сўнг». Телесериал. 10.35, 13.20 Мусикий лаҳзалар. 10.45 «Алишер Навоий». Видеофильм. 16-қисм. 11.15 Олтин мерос. 11.20 «Даллас». Телесериал. 12.05 Ёшлар овози. 12.25 Одамлар орасида. 12.45 «Индиана Жонс ва сўнгги салб юриш». Бадий фильм. 3-қисм. 13.30 «Ёшлар» телеканалда спорт: Футбол. Чемпионлар лигаси. 15.00 Очун. 15.25 «Табор қўкка интилади». Бадий фильм. * * * 16.55 Кўрсатувлар дастури. 17.00 «Янги авлод» студияси: «Билагон маслаҳати». 17.20 «Самовий саргузаштлар». Болалар	учун телесериал. 20-қисм. 17.45 Ёшлар ва маънавият. 18.00 Ёшлар куйлайди. 18.15 «Баркамол авлод» спорт ўйинлари кўндалиги. 18.25 Аср қиёфаси. 18.45 Оқшом наволари. 18.55, 21.55 Иқлим. 19.00 «Давр». Ахборот дастури. 19.30 ТВ-анонс ва «Эколаш» латифалари. 19.35 Танишинг: Дилфуза Файбулла қизи. 19.50 Ҳуқуқ ва бурч. 20.20 Мусикий лаҳзалар. 20.25 Саломат бўлинг. 20.45, 21.25, 22.30 Ёшлар. 20.50 «Индиана Жонс ва сўнгги салб юриш». Бадий фильм. 4-қисм. 21.30 Аскар мактублари. 21.50 Олтин мерос. 22.00 «Давр». Ахборот дастури. 22.30 Тўнги тароналар ва «Эколаш» латифалари. 22.40 «Даллас».	Телесериал. 23.25 «Давр». Ахборот дастури. 23.40 «Ёшлар» телеканалда спорт: Ринг қироллари. 0.40-0.50 Мунаввар тонг истаб. «Тошкент» телеканал 18.00 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 Мультфильм. 18.15 «Дурдона». 18.30, 21.00, 22.35, 23.50 «Пойтахт». Ахборот дастури. 19.00 «Эхтиром ила». 19.30 ТТВда сериал: «Санта-Барбара». 20.10, 21.30 «Табриклимиз, қўллаймиз». 20.40, 22.15 «Экспресс» телегазетаси. 22.00 «Фармацевтика оламида». 23.05 Оҳанглар ва эълонлар. 23.10 ТТВда сериал: «Селеста». 00.20-00.25 «Хайрли тун, шаҳрим!» «Халқаро» телеканал РЖТ 6.30-8.00 *** 14.00-15.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ	15.00 Кўрсатувлар тартиби. 15.05 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида) 15.15 «Мультичархпалак». 15.30 «Вести». 16.00 «Морена Клара». Сериал. 16.50 «Авиация дунёси». 17.05 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви. *** 17.15 М. Евдокимов ҳузурида меҳмонда. 17.50 «Қутқарувчилар. Тезкор ёрдам». 18.20 «Ажойиб воқеалар». 18.40 «Мўъжизалар майдони». 19.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!» 20.00 «Время». *** 20.40 «Бизнес-ревью». 20.50 «Дурдаршан». 21.15 «Клип-антракт». 21.30 Кинематограф. «Садкаи сар». Бадий фильм. 23.00 «Ахборот» (рус тилида) 23.25 «Тунингиз осуда бўлсин!»
--	---	---	---	--	--	--

SHANBA «Ўзбекистон» телеканал 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот». *** 8.35 Газеталар шарҳи. 8.50 «Мусиқа бўстон». 9.10, 11.45 ТВ-метео. 9.15 «Ҳидоят сари». 9.40 «Бахтимизга омон бўлинг». 10.00 «Телевизион миниатюралар театри». «Тирик сайёра» кинодастур 10.40 «Ноилоҳ сайёдалар-2». Хужжатли фильм. 11.30 «Қўҳна замин оҳанглари». 11.50 Кундузги сеанс: «Ишдаги ишқ». Бадий фильм. 1-қисм. 13.15 «Баркамол авлод». Спорт ўйинлари. 13.45 Хотира ва кадрлаш кўни	олдидан. «Юлдузлар шуъласи». Мусикий дастур. 14.35 «Дўстлик» видеоканали: 1. «Мехрангез». 2. «Жетиген». 14.55 «Ишдаги ишқ». Бадий фильм. 2-қисм. 16.00 ТВ-анонс. 16.05 «Гольф-клуб». 16.25 «Сехрланган бола». Мультфильм. 17.10 ТВ-клип. 17.15 «Мўъжизалар майдончаси». Теле-ўйин. 18.10 «Ранглар жило-си». 18.25 «Миттивойлар оиласи». Кинокўрсатув. 18.45 «Бадий кенгашдан сўнг». 19.10 «Қишлоқ ҳаёти». 19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Ёшлар 19.30 «Ахборот» (рус тилида) 20.00 Оқшом эртақлари. 20.15 FCN «Ўзбекистон	янгиликлари» (инглиз тилида) 20.30 «Ахборот». 21.05 «Навоийхонлик». 21.15 «Баркамол авлод» спорт ўйинлари кўндалиги. 21.45 «Даврани кенгрок олинг». Мусикий дастур. 22.10 «Баркамол авлод» спорт ўйинларининг тантанали ёпилишига бағишланган бадий - спорт байрами. 23.30 «Ахборот». 00.05 «Дўстона». Бадий фильм. 1-қисм 1.15-1.20 Ватан тимсоллари. «Ёшлар» телеканал 7.55 Кўрсатувлар дастури. 8.00 «Давр тонги». 9.00 «Янги авлод» студияси: «Билагон маслаҳати». 9.15 «Самовий саргузаштлар». Болалар учун телесериал. 20-қисм. 9.40 Табобат оламида. 10.00, 12.20 Мусикий	лаҳзалар. 10.10 Жаҳон жуғрофияси: «Зебралар». 11.00 Аср қиёфаси. 11.20 «Ёшлар» телеканалда спорт: Ринг қироллари. 12.30 «Рамаяна». Телесериал. 13.05 Ракурс. Ҳасан Ражабий. 13.25 Синфдош. 13.50 «Ниҳол» мукофотининг совриндорлари: «Ҳўжа» гуруҳи. 14.10 «Индиана Жонс ва сўнгги салб юриш». Бадий фильм. 4-қисм. 14.45 Мутуйба. 15.10 «Ёшлар» телеканалда спорт: Теннис. 15.50 Хотира ва кадрлаш кўни олдидан. «Эрта сўнган юлдузлар». Шарофиддин Шарипов. 16.10 Дастхат. 16.30 Кўрсатувлар дастури. 16.35 «Янги авлод» студияси: «Бўш ўтирма». 16.55 «Бола тилидан». 17.25 Саломатлик сирлари.	17.45 «Футбол плюс...» 18.05 Одил сўзи. 18.20 Хотира ва кадрлаш кўни олдидан. «Соғинч». Шукр Бурҳонов. 18.45 Оқшом наволари. 18.55, 21.55 Иқлим. 19.00 «Давр». Ахборот дастури. 19.30 ТВ-анонс. 19.35 Каталог. 19.45 Мусикий лаҳзалар. 19.50 Ёшлар овози. 20.10 «Соғиниб». Мусикий дастур. 20.40, 21.20, 23.00 Ёшлар 20.45 «Рамаяна». Телесериал. 21.25 Қўтирмаган меҳмон». 21.45 Олтин мерос. 22.00 «Давр». Ахборот дастури. 22.30 Тўнги тароналар. 22.40 Кинотакдим. 23.05 Шанба экран. «Орзу даракти». Бадий фильм. 23.40 Дирижабл. 1.00-1.05 Хайрли тун! «Тошкент» телеканал 18.00 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 «Митти юлдуз-	лар». 18.20 ТТВда сериал: «Луиза Фернанда». 19.10 «Эхтиром ила». 19.40, 20.45, 21.35 «Экспресс» телегазетаси. 20.00 «Интер-спорт». 20.15, 21.05 «Табриклимиз, қўллаймиз». 21.55 «Кусто команда-сининг сув ости саргузаштлари». Сериал. 22.45 «Авто News». 23.00 «Файзли оқшом». Дам олиш дастури. 23.40 «Спорт оламида». 00.00 Оҳанглар ва эълонлар. 00.05 Кинонигоҳ. «Қўн». 1.50-1.55 «Хайрли тун, шаҳрим!» «Халқаро» телеканал 9.00 Кўрсатувлар тартиби. 9.05 «Клип-антракт». *** 9.10 «Смак». 9.30 Е. Петросяннинг «Кулги панорамаси». 10.10 «Инглиз тили Сиз учун». Болалар учун кўрсатув. 10.35 «7 дан 70 гача».	11.05 «CFI янгиликлари». 11.15 «Экран зийнати ва қиймати». 11.40 Кундузги сеанс: «Капитан». Бадий фильм. 13.00-13.50 Дўстлик видеоканали: «Умид», «Саҳий хонадонда», «Машриқ оҳанглари». *** 17.00 Кўрсатувлар тартиби. 17.05 «До-ми-соль». Болалар шоу дастури. 17.50 «Интернет худуди». 18.05 Буюк изкувар. Коломбо ва бошқалар. 20.00 «Время». 20.40 Сандра Баллок «Сен ухлаётганимда» комедиясида. 22.40 «Бизнес-ревью». 22.45 «Мюзик-холл». 23.15 Кинематограф. «Қўтирмаган меҳмон». Бадий фильм. 00.30 «Ахборот» (рус тилида) 00.55 «Тунингиз осуда бўлсин».
---	---	--	--	---	---	---

Yakshanba «Ўзбекистон» телеканал 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот». *** 8.35 «Камалак». Болалар учун кинодастур. 9.05 «Дилрабо тароналар». 9.30, 11.55 ТВ-метео. 9.35 «Ғаройибот». 9.50 «Мамонтчанинг онаси». Мультфильм. 10.00 «Ватанимга хизмат қиламан!» 11.00 «Яхши ният». Телелотерея. 11.35 «Шоҳрух клуби». 12.00 «2001 йил - Оналар ва болалар йили». «Фарзандим - дилбандим». 12.20 «Тўхфа». Мусикий дастур. 12.45 «Баркамол авлод» спорт ўйинларининг тантанали ёпилишига бағишланган бадий	- спорт байрами. 14.05 Киноанонс. 14.10 «Мўъжизалар майдончаси». 15.05 Мустақиллик тимсоли. Ўзбекистон театрларининг фестивали. Ж. Г. Байрон. «Ҳобил ва Қобил». Эски масжид театр студиясининг спектакли. 16.35 Киноанонс. 16.40 «Умрбоқий қўшиқлар». 17.00 «Бўстон». Тележурнал. 17.20 «Бу ажиб фасл». Телеальманах. 17.45 ТВ-клип. 17.50 «Олтин тож». Телевизион ўйин. 18.15 Ойна жаҳон тақдироти. «Киролликдаги саргузаштлар». Мультфильм премьераси. 18.40 Эстрада тароналари. 19.05 «Тўртинчи ҳўқимият». 19.25, 20.00, 20.25, 21.10, 21.55 Ёшлар	19.30 «Тахлилнома» (рус тилида) 20.05 «Оламга саёхат». 20.30 «Тахлилнома». 21.15 «Якшанбада Сиз билан бирга». Бадий-мусикий дам олиш дастури. 22.00 «Қизлар давраси». 23.00 ТВ-1 намоиш этади. «Якшанба кинозали»: 23.15 Кино янгиликлари. 23.30 «Дўстона». Бадий фильм. 2-қисм. 00.40-00.45 Ватан тимсоллари. «Ёшлар» телеканал 7.55 Кўрсатувлар дастури. 8.00 «Давр тонги». 9.00 «Янги авлод» студияси: «Бўш ўтирма». 9.20 «Футбол плюс». 9.40 Ёшлар овози. 10.00, 14.40 Мусикий лаҳзалар. 10.10 «Заковат» интеллектуал ўйини. 11.05 Очил дастурхон. 11.20 «Ёшлар» телеканалда харбий-	ватанпарварлик дастури: 1. Марду майдон. 2. Аскар мактублари. 12.00 Қишлоқдаги тенгдошим. 12.20 «Рамаяна». Телесериал. 12.55 Алишер Навоий ғазалларига басталанган қўшиқлар. 13.15 Болалар экран. «Робинзон Крузонинг ҳаёти ва ажойиб саргузаштлари». 14.50 Хайрат. 15.10 «Учинчи сайёра» маърифий дастури: «Ёввойи ҳаёт посбонлари». 16.00 Ёшлар куйлайди. 16.15 Болалар учун мультфильм. 16.45 Кўрсатувлар дастури. 16.50 «Янги авлод» студияси: «Катта танаффус». 17.10 «Мўъжиза». 17.25 «Эхтимол улар ақлдан озишгандир». Телесериал. 17.50 «Баркамол авлод» спорт ўйинларининг якуни. 18.05 Хотира ва кадрлаш кўни	олдидан. «Соғинч». Мукаррама Турғунбоева. 18.30. Якшанбада кўришгунча. 18.45 Оқшом наволари. 18.55, 21.55 Иқлим. 19.00 «Давр». Ҳафта ичида. 19.40 «Қўҳна оҳанглар». Уктам Аҳмедов. 19.55 Синфдош. 20.25 «Бу муноси лаҳзалар». Жўраҳон Раҳимов. 20.45, 21.25, 22.35 Ёшлар 20.50 «Рамаяна». Телесериал. 21.30 «Аёл қалби наволари». Умида Мирхамидова. 21.50 Олтин мерос. 22.00 «Давр»-news. 22.15 «Риштон мўъжизаси». Хужжатли фильм. 22.25 Тўнги тароналар. 22.40 «Бошпана излаб». Комедия. 24.00-0.05 Хайрли тун! «Тошкент» телеканал 18.00 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 Болалар учун. «Қуралай».	18.20 ТТВ да сериал. «Луиза Фернанда». 19.10 «Рақслар жило-си». 19.25 «Спорт-тайм». 19.45 «Эхтиром ила». 20.15, 22.10, 22.50 «Экспресс» телегазетаси. 20.35, 21.45 «Табриклимиз, қўллаймиз». 21.05 «3х5». Телешоу. 22.30 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллигига. «Фаровонлик бекати». 23.10 «Кусто команда-сининг сув ости саргузаштлари». Сериал. 24.00 Оҳанглар ва эълонлар. 00.05 Кинонигоҳ. «Афоя». 1.30-1.35 «Хайрли тун, шаҳрим!» «Халқаро» телеканал 9.00 Кўрсатувлар тартиби. 9.05 «Клип-антракт». *** 9.10 Д. Криловнинг «Йўлда ёзилмаган қайдлари». 9.30 «Ҳамма уйдалигида».	10.10 «Кайфият» дам олиш дастури. 11.10 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида) 11.20 «Парле ву франсэ» 11.45 «Фан-тайм». 11.55 Кундузги сеанс: «Ўз ҳисобидан таштил». Бадий фильм. 13.55 «Дўстлик» видеоканали: «Маврид», «Дидар». 14.45-15.15 Немис тили. *** 17.00 Кўрсатувлар тартиби. 17.05 «Саёхатлар олами». 17.20 Кевин Костнер «Соврин» фильмида. 19.20 Сан-Ремо юлдузлари иштирокидаги концерт. 20.40 «Тенгдошлар». 21.05 «Бизнес-ревью». 21.15 «Эксклюзив». 21.35 Кинематограф. Ричард Гир ва Шон Коннори «Биринчи рицарь» фильмида. 23.30 «Тахлилнома». 24.00 «Тунингиз осуда бўлсин!»
---	--	---	---	--	--	--

Миллий дастур

Мустақиллик йилларида ижтимоий-иқтисодий ислохотлар жамият ҳаётидаги янгиланиш жараёнларига алоҳида бир жўшқинлик бағишлади. Сўнги ўн йилликда ўсиб келаётган ёш авлодга ғамхўрлик, келажаги буюк мустақил Ўзбекистоннинг баркамол фуқароларини тарбиялаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди.

Тошкент вилояти Халқ таълими бу жараёнда мактабгача тарбия муассасалари ва умумтаълим мактабларининг ўрни, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни бажаришнинг биринчи босқичидаги якунлари шу нуқтаи назардан муҳокама қилинди. Маърузачилар ҳар қандай давлатнинг бугуни ва келажаги, буюклиги ва қудрати, маънавий-маърифий салоҳияти таълим тизимининг қай даражада ривожланиши билан белгиланишини алоҳида таъкидлашди.

Президентимиз Ислам Каримовнинг ташаббуси ва бевосита раҳбарлигида, «Таълим тўғрисида»ги Қонун, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» асосида халқ таълими тизимида салмоқли ишлар қилинмоқда, — деб таъкидлади маърузачи. — Таълим мазмунини кескин янгиланди, янги фанлар киритилди, бир қатор дастурлар амалга оширилди.

Кейинги йилларда истеъдодли мураббийларнинг илгор педагогик тажрибаларини омалаштириш кучайди. Бунда «Ил ўқитувчиси», «Ил тарбиячиси» кўрик-танловларининг аҳамияти катта бўлмоқда. Ангрен шаҳридаги 29-мактабнинг тил ва адабиёт ўқитувчиси З.Шокирхонова, Янгийўл туманидаги 1-боғча тарбиячиси М.Шароббоева республика танловларида муносиб ўрин эгалладилар. Бугунги кунда вилоят ўқитувчиларининг 72 фоизи олий маълумотга эга. Кейинги уч йилда мураббийлар сафига 4488 ёш мутахассис

шаҳридан Э.Ларица, Бўстонликдан Х.Йўлдошев, Уртачирчиқ туманидан В.Сон ва бошқа ўнлаб мактабларнинг раҳбарлари ўз лаёқатлари ҳамда тажрибаларини таълим-тарбия жараёнларини изчил ва самарали ташкил этишга сарфламоқдалар.

Ўқувчилар, халқ таълими ходимларига Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўргатиш, ёш авлоднинг ҳуқуқий онги, тафаккури ва маданиятини тарбиялаш масалалари ҳам анжуман

ланмоқда. Бир қатор истеъдодли ўқувчилар билим олишни АҚШда давом эттирмоқдалар.

Айни пайтда ўқувчиларни дарсликлар ва ўқув адабиётлари билан таъминлашни яхшилаш чоралари кўрилмоқда. Шунини айтиш кифояки, фақат шу ўқув йилида биринчи синф ўқувчиларига дарсликлар олиб бериш учун 107 миллион, кам таъминланган оила-лар фарзандларини ўқув дарслик-

спорт ишларининг аҳоли, мактабгача тарбия муассасалари фаолиятини ислох қилиш дастлабки натижаларини ҳам таҳлил қилиб чиқишди. Муҳокама чоғида умумтаълим мактабларини педагогик кадрлар ва ўқувчиларни дарсликлар билан таъминлаш борасидаги жиддий муаммолар тилга олинди. Кутубхоналар фондиди янги асарлар ҳисобига тўлдириш сўст. Бир қатор тиллар бўйича дарсликлар ҳамон тақчил. Бу борадаги ишлар Чирчиқ, Олмалик шаҳарлари, Чиноз, Бўка, Бекобод, Юқоричирчиқ туманларида, айниқса, талабга жавоб бермайди. Бу ҳолат эса ўқувчиларнинг билим сифатига салбий таъсир кўрсатмоқда. Оқибатда ўқувчиларимизнинг олимпиадалардаги, олий ўқув юртига кириш тест синовларидаги натижалари ҳам пайсыйиб бормоқда.

Жисмоний тарбия дарслари-га, спортга зарур даражада эътибор берилмаётганлиги жиддий эътироз уйғотди. Айниқса, Бекобод, Бўка, Оҳангарон ва Бўстонлик туманларининг мактабларида бу борадаги ишлар ташвишланарли эканлиги қайд қилинди. Конференция иштирокчилари мактабларимизда «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни амалга ошириш юзасидан белгиланган биринчи босқич вазифалари деярли бажарилганлигини таъкидлашди. Иккинчи босқич вазифаларини бажариш учун эса ҳозирги мавжуд камчиликларни бартараф этмоқ лозим. Асосий мақсад — янги педагогик технологияларни тадбиқ эта бориб, таълимдаги ислохотларни янада чуқурлаштириш, энг асосийси, ўқувчи шахсига янгича ёндошиб, баркамол инсонларни вояга етказишдан иборат.

Жўра САЪДУЛЛАЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»
муҳбири.

ТАЪЛИМ ИСЛОХОТИДА ЯНГИ БОСҚИЧ

қўшилди. Ўқитувчиларнинг малакаларини ошириш тобора изчил тус олаётир.

Бугунги кунда халқ таълими идораларида давлат стандартлари мониторинги марказлари, кўпгина ўрта таълим мактабларида мониторинг хоналари ўз имкониятларини намоён эта бошлади.

Дастурнинг асосий талаблари — ўқув-тарбия жараёнларини такомиллаштириш кучайяпти. Шунини айтиш керакки, шу кунларда жами 114та таянч мактаби ва тажриба-синов майдончаси фаолият кўрсатаётир. Доимий ишловчи ўқув семинарларида тегишли услубий кўрсатмалар ишлаб чиқилляпти. Конференцияда бундай янгиликлар Куйичирчиқдаги 11-, Зангиотадаги 15-, Пскентдаги 6-, Уртачирчиқдаги 1-, Бекобод шаҳридаги 7-, 5-мактабларда яхши натижалар бераётгани кўрсатиб ўтилди.

Таълим жараёнини ислох қилишнинг кўпгина билимдон, жонкуяр ва ташаббускор ташкилотчилари етишиб чиқди. Олмаликдан З.Фозилова, Бекобод шаҳридан Ш.Боязитов, Янгийўл шаҳридан Б.Тожибоев, Чирчиқ

катнашчиларининг диққат марказида турди. Педагог ходимлар малакасини ошириш мақсадида 36 соатли махсус мақсадли курслар ташкил этилмоқда. Ҳуқуқ дарслари мазмунини ва савиясини кўтариш чоралари кўриляпти.

Яна бир муҳим масала — барча таълим турлари ва босқичларида «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фанини ўқитишни чуқурлаштиришдан иборат. Шу мақсадга эришиш учун ўқитиш жараёнининг илмий-услубий жиҳатлари ўрганилаётир. Шу мақсадда Тошкент ва Бўстонлик туманларидаги икки мактабда тажриба-синов майдончалари ташкил этилди, жойларда ўқитувчиларнинг семинарлари ўтказилди.

Конференцияда хорижий давлатлар билан таълим тизимидаги ҳамкорлик масаласи теварагида атрофлича сўз юритилди. Бу — миллий дастурнинг муҳим талабидир. Чунончи, вилоят ўқитувчиларининг вакиллари Буюк Британия, АҚШ, Франция, Германия, Хиндистон, Жанубий Кореяда малака ортиришди. «АКСЕЛС» йўналишидаги ҳамкорлик ривож-

лари билан таъминлашга 61,1 миллион сўм бюджет маблағи ажратилди. Маҳаллий бюджет маблағларидан эса бу мақсадлар учун деярли 20 миллион сўм сарфланди. Булардан ташқари хомийлар 7 миллион 845 минг сўмлик маблағ билан ёрдам кўрсатишди.

Иқтидорли ўқувчиларга чуқур билим беришга ихтисослашган муассасалар кўпайди. Бу йил уларда 11 мингдан ортиқ ўқувчи билим оляпти. Бундан ташқари 321та мактабда 23та фан бўйича 46 мингдан зиёд ўқувчи чуқурлаштирилган дастур бўйича ўқитилляпти.

Бундай эътиборнинг натижалари қувончли, албатта. Масалан, Уртачирчиқ туманидаги ихтисослашган мактаб-интернатнинг 2000 йилги 42 битирувчисидан 34 нафари турли олий ўқув юртида тахсил ола бошлади. Бундай мисолларни Олмалик шаҳридаги 16-, Паркент туманидаги 5-мактаблар ва Куйичирчиқ туманидаги махсус мактаб-интернатдан ҳам келтириш мумкин.

Шунингдек, конференция иштирокчилари ижтимоий ва фан тўғрақлари, жисмоний тарбия ва

Саралаш турнири



КУЧЛАР ТЕНГ КЕЛГАНДА,

Жамоа етакчисининг шахсий маҳорати иш берадиган ҳоллар, айниқса, футболда тез-тез учраб туради

2002 йилда Япония ва Жанубий Кореяда ўтказиладиган навбатдаги жаҳон чемпионати саралаш турнирида иштирок этаётган Осиё қитъаси 7-гурухи аъзолари 25 апрель куни иккинчи тур учрашувларини ўтказдилар.

ФУТБОЛ мухлислари миллий терма жамоамизнинг Хитой тайпейи билан ўтказган дастлабки ҳужумкор ва чиройли ўйинларини мириқиб томоша қилиб, завқ олган эдилар. Бироқ Туркменистон футболчилари билан бўлган навбатдаги ўйин мутлақо бошқача руҳ ва суръатда кечди. Эътироф этиш керакки, кўп вазиятларда меҳмонларнинг жамоа бўлиб ҳаракат қилиш, тезкорлик ва яқка маҳорат бобида устун эканликлари сезилиб турди. Ва аксинча, биз терма жамоамизнинг ўтган галдаги ҳамжиҳатликдаги тезкор ва беҳато ҳаракатларини бу сафар кўрмадик. Ҳатто, энг тажрибали ҳужумчимиз Жаъфар Ирисметов ҳам бу гал нима учундир ўз маҳоратини тўла намоён этолмади, қулай вазиятларда саросимага тушиб, тўпни дарвозага аниқ ва кучли зарб билан йўллаб олмади.

Тўғри, рақибларнинг камида икки ҳимоячиси Жаъфарни бугун ўйин давомида таъкиб этиб, баъзан кўполлик қилиб бўлсада, унга ўйин бермадилар. Эронлик бош ҳакам бундай қоида бузишларни «кўрмай», меҳмонларни тез-тез сийлаб турди. Бироқ футбол усталари учун бундай нуқсонлар на ба-

хона, на сабаб бўлолмайди.

Жамоамиз етакчиси Миржалол Қосимов аввалги ўйинда кузатилганидек, бу гал ҳам иккинчи нафар рақибнинг исканжасида тер тўкиб ҳаракат қилишга мажбур бўлди. Бундай фидойилик охир-оқибат ўз самарасини бермай қолмади. Иккинчи бўлимнинг 18-дақиқасида белгиланган жарима тўпини фақат Миржалолгагина хос усталик билан тўрга жойлаб қўйди. Бу шундай тез ва маҳорат билан амалга оширилдики, рақиб дарвозабони томошабин бўлишдан ўзга бирор иш қилолмади.

Туркманлар билан бўлган учрашув давомида терма жамоамизнинг ҳали маромига етмаган бир қадар камчилик ва нуқсонлари борлиги маълум бўлди.

Бир-икки ўйинчини ҳисобга олмасада футболчиларимизда яқка тартибдаги маҳорат, тўпни шерикларга оширишда усталик ва аниқлик етишмайди. Айниқса, рақиб дарвоза чизиги олдида оқилона ҳаракат қилиш ва вазиятлардан самарали фойдаланишда кўпроқ хатога йўл қўйилади. Ўйлаймизки, Иордания билан ўтказиладиган навбатдаги учрашувда терма жамоамиз мураббийлари бу муаммоларга жиддий эътибор қаратадилар.



«Семурғ»:

ТУРНИНГ ЭНГ ЙИРИК ҒАЛАБАСИ

ЎЗБЕКИСТОН 10-миллий футбол чемпионати олий табақаси жамоалари навбатдаги 8-тур учрашувларини ўтказдилар. Фақат битта ўйин — «Пахтакор» — «Кимёгар» учрашуви май ойининг охирироғига қўчилди.

НИХОЯТ, «Семурғ» жамоаси нафақат Ангрен шаҳри, балки вилоятимиз футбол мухлисларини ҳушнуд этди. Бу сафар вакиллариимиз «Турон» жамоаси футболчиларини қабул қилдилар. Асосий эътиборни ҳужумга қаратган ангренликлар майдоннинг ҳимоя ва ярим ҳимоя чизикларида ҳам рақибдан устунликка эришдилар. Натижада, ҳимоячилар сергакликни сақлаган ҳолда вақти-вақти

билан ҳужумда ҳам иштирок этидилар. Бу эса йирик ҳисобдаги ғалабани таъминлади.

Ангренликлар рақиб дарвозасига 4та жавобсиз тўп киритиб, беш очко билан жадвалда охириги ўринни тарк этиб, икки поғона юқори кўтарилдилар.

Бу турда икки вакилимиз — «Металлург» ва «Дўстлик» ўзаро куч синашдилар. Ўйин 1:1 ҳисобида дуранг натижа билан

Олий табақа

яқунланди. «Бухоро» — «Сўғдиёна» ва «Қизилқум» — «Самарқанд» учрашувларида ҳам ана шундай ҳисоб қайд этилди.

Чемпионат пешқадами «Насаф» жамоаси «Тракторни» қабул қилиб, ғалабага (3:1) эришди ва мавқеини янада мустаҳкамлаб олди. Сафарда тўп сурганига қарамай, олий табаканинг янги аъзоси «Академия» жамоаси «Сурхон» дарвозасига иккита жавобсиз тўп киритди. «Навбахор» ўз майдонида «Зарафшон»ни қабул қилиб 1:0 ҳисобида устун келди.

Тўққизинчи тур учрашувлари 2 май куни ўтказилади.

Вилоят чемпионати



МУХЛИСЛАР КУТГАН КУН КЕЛДИ

Бугун вилоятимизнинг тўртта шаҳар ва туман марказларидаги ўйингоҳларда футбол бўйича навбатдаги вилоят чемпионати байроғи кўтарилади.

Бу йилги вилоят биринчилиги мусобақаларида ўнта жамоа иштирок этади. Бошқа вилоятлардагидан фарқи ўлароқ бизда барча жамоалар чемпионатда ўринбосарлар таркиби билан қатнашади. Асосий таркиблар учрашуви олдида ўринбосарлар яшил майдонга чиқиб, ўзаро куч синашади.

Бугун «Олмалик» — «Солиқчи» (Тошкент тумани), «Тошкент» (Тошкент тумани) — «Чиноз», «Цементчи» (Бекобод шаҳри) — «Қибрай», «Тўйтепа» — «Истиқлол» (Пскент) жамоалари чемпионатни бошлаб беришади. «Акмал» (Оққўрғон) — «Шоликор» (Куйичирчиқ) жуфтлиги эса ўзларининг дастлабки учрашувларини эртага — 29 апрель куни ўтказишади.



Ўзбек кураши

ОМАД ЁР БЎЛСИН, ПОЛВОНЛАР!

Илгари хабар қилганимиздек, бугун Тошкентдаги «Юнусобод» спорт мажмуида ўзбек кураши бўйича биринчи Осиё чемпионати тантанали очилади.

Ушбу мусобақаларда нуфузли давлатларнинг спорт соҳаси бўйича мартабали мутасаддилари ва таникли полвонлари иштирок этиши ўзбек кураши ҳадемай жаҳонни забт этишидан далолат беради, дея бемалол айтишимиз мумкин. Осиё қитъасидаги Япония, Сингапур, Эрон, Шри-Ланка, Непал, Хиндистон, Бангладеш, Мўғилистон каби 16та мамлакатдан ташриф буюрган жами 100дан зиёд полвон гиламга чиқади.

Беллашувлар икки кун давом этади. Бугун эркаклар 73,81 ва 90 килограмм вазнларда беллашадилар. Эртага эса аёллар ҳам баҳсга қўшилиб, 63 килограммгача вазн тоифасида гилиблик учун курашадилар. Мусобақалар пировардида эркаклар ўртасида мутлақ вазн тоифасида Осиё чемпиони аникланади.

Самад ЙЎЛДОШ.

ҒАРБДА ҚОР ЁҒСА, ШАРҚДА ҚУМ КЎЧДИ

Ўтган ҳафта кутилмаган воқеаларга жуда ҳам бой бўлди. Уларнинг орасида Германиянинг жанубий вилоятларида қалин қор ёғгани барчани ҳайратга солди. Табиатнинг бундан ҳам антиқа «совға»ларини кўп кўрганмиз. Лекин, ёзнинг остонасида қиш ўз ҳукмини ўтказиши камдан кам учрайдиган ҳодисадир.

Айни пайтда Россия-Америка ўртасидаги совуқчилик Европа давлатларини борган сари ташвишга солмоқда. Кўпчилик кичик Жорж Буш тахтга ўтириш, бошланган бу ҳолатни кутилмаган ҳол деб баҳоламоқда. Италиялик таниқли шарҳловчи Франко Винтурини «Коррьере делла сера» газетасида чоп этган мақоласида куйидагиларни ёзади. Унинг таъкидлашича, муносабатларнинг бундай кескинлашуви АҚШнинг Хитой билан яқинлашувига омил яратди. Энг яхшиси Вашингтон окилона йўл тутиб, Россия билан борди-келдиларни аввалги ҳолатга қайтара олса, жуда кўп кўнгилсизликларнинг олди олинган бўлади. Бир-бирини тенг кўриш, ҳар бир соҳада ўйлаб қадам босиш ҳозирги кунда, айниқса, жуда муҳимдир.

Жаҳон матбуоти худди шу масалага атрофлича ўрин бериб турган дамларда Черногорияда навбатдан ташқари парламент сайловлари ўз ниҳоясига етди. Маълумки, собиқ Югославиянинг таркибида бўлган республикалар кўпдан бери ўз тинчлини йўқотган. Чамаси ушбу сайловлар ҳам ҳали анча шов-шувга сабаб бўлса керак. Чунки, бир-бирига оппозицияда бўлган гуруҳлар сайлов яқунларини ўрганиб чиқишини давом эттирмоқдалар. Ҳар нима бўлганда ҳам масала қурол кўтаришга етиб бормади. Черногориядаги осойишталик қанчалар мустаҳкам бўлса, унинг қўни-қўшини-

лари бундан ибрат олса ажаб эмас.

Ва ниҳоят, сўзимизни табиат инжиқликларидан бошлаган эдик. Шу билан тугатмоқчимиз. Пекин шаҳрини қум босаётгани ҳақидаги хабарлар тарқалганда, барчанинг ҳайратига чек бўлма-

ди. Жуда кўплаб ҳудудларни сув босгани ҳақидаги хабарлар доимо келиб турибди. Лекин, Хитойдек озода, уммонга яқин мамлакат пойтахти Пекинга қумларнинг келиб қолиши мутлақо кутилмаган ҳолдир.

Дунё янги асрнинг тўрт ойини яшади. Тўрт ойда жуда кўплаб воқеаларга гувоҳ бўлдик. Ҳар қандай шароитда ҳам шай турди, бардошли бўлиш биз инсонларнинг бурчидир. Буни асло унутмайлик.

ҚИСҚА САТРАЛДАР

- Ғазода масофадан бошқариладиган мина портлатилиши оқибатида ФАТХ ташкилотининг уч нафар фаоли ҳалок бўлди.
- БМТ Хавфсизлик кенгаши жаҳон ҳамжамиятини урушлардан азият чекаётган Конго Демократик Республикаси аҳолиси-га ёрдам кўрсатишга қақирди.
- Кўплаб мамлакатлар ва экология ташкилотларининг норозилигига қарамай, Япония Тинч океанида кит овлашни тўхтатмапти.
- Шри-Ланка ҳукумат қўшинлари «Тамил илама» озодлик йўлбарслари» исёнцилари базаларига ҳужумнинг биринчи кунда 32 аскар ва офицеридан айрилди.
- Бангладешда чоршанба кунини ниҳоясига етган умумий иш ташлашга қўшилиб кетган террорчилик ҳаракатлари ва тўқнашувлар чоғида 2 киши ҳалок бўлди, юзга яқин киши жароҳатланди.
- 2005 йилда Хитой орбитага ўзининг биринчи фазовий телескопини чиқаради. Бу ҳақда Хитой Фанлар академияси президенти Лу Юнсян айтди.
- Вьетнам АҚШнинг Хитой Тайпейига йирик миқдорда замонавий қурол-яроғ сотиш тўғрисидаги қарори минтақавий барқарорликка таҳдид солади, деган фикрда.
- Буюк Британияда оқсил эпидемияси тарқалиши июль ойи бошларига бориб тўхтади. Экспертлар шундай хулосага келди.

ХАВАС ҚИЛАДИГАН ИШТАҲА

Францияда Жерар Депардьенинг обрўси Жан Пол Бельмондо, Пьер Ришар, Ален Делонникидан асло-асло кам эмас. Ҳатто улардан ортиқ ҳам. Истеъдоди, меҳнаткашлиги ҳақида гап йўғу, лекин, оғирлигини ҳар қанча таърифласа арзийди. У ҳозир 130 килограмм тош босади. Иштаҳаси эса қарнай. Шириш таом деса, ўзини томдан ташлагудек бўлади. Ошна-оғайнилари, тиббиёт ходимлари бу даражада шиддат билан семиришнинг оқибати ёмон бўлади, деб огоҳлантиришса, машҳур артист нима дебди денг: «Ахир уч киши учун ишласам, уч киши учун севсам, нега энди уч киши учун овқат емаслигим керак?» Айтинг-айтинг Депардьенинг издошлари кўпайиб кетмаса бўлди.

Ажаб савдолар

Машҳури жаҳон саналган хонанда Жон Ленноннинг доғури Японияда, айниқса, жуда баланд. Бунинг сабаби унинг рафикаси Йоко Оно япон бўлганидир. Садокатли бева эрига бўлган муҳаббатини яна бир бор изҳор қилиш учун қўшиқчининг суратларини автобусларга ёпиштириб ташлади. Бир-икки кундан кейин кўрсакки, суратларга соқол билан шох битиб қолибди. Бечора аёл зорланишга тушди. Ҳатто, ўзига етказилган маънавий зарар юз минг долларга бориб қолганини ҳам гап орасида қистириб ўтадиган бўлди. Япон мутахассисларини анойи деб ўйлашми. Бир зумда Жоннинг суратини жамоат транспортдан йиғиштириб олишди. Садокатли беванинг нияти шундай қилиб амалга ошмай қолди.

ЯПОНЛАРГА БАС КЕЛИБ БЎЛИБСИЗ

ИШЛАРИ КЎЧАЛАН БИР БОР ЎТИНГ

Инглизлар ўзларининг уйларидаги печкаларнинг узун қувурларини безашни жуда ёқтирадилар. Мабодо Дарем шаҳри кўчаларидан юрсангиз мушукчанинг, чўчкачанинг, қурбакаларнинг томда турган шаклларига кўзингиз тушади. Эр-хотин Хатсонлар ўзларининг тутун чиқадаган мўри қувурларини оппоқина унитаз билан беадиладар. Бунинг учун шаҳар маъмурлари уларга жарима солган деб ўйлашми? Асло. Қайтага у шаҳарнинг ўзига хос белгиларидан бирига айланиб қолди. Бунинг устига шаҳарга

кириб келаётганлар уни бир километр наридан кўришлари мумкин. Қувур тозаловчиларга маза бўлиб қолди. Улар бу қулай ўриндиққа ўтириб олиб, ишлашмоқда. Ишқилиб, эрта-индин қозонлар томга чиқиб кетмаса бас.

КАМАРНИ МАҲКАМ ҚИЛИНГ

Бу галги ўғирлик тасодифан юз берди, десак ҳам бўлади. Жанубий Америкадаги банкларнинг бирига кирган киши сочилиб ётган қоғоз ва беҳисоб тангаларни кўриб кўзи ўйнаб кетди. У нари-бери ҳаммасини қопга жойлашни бошлади. Шундай шошилдики, ҳатто қўли сигнализация нуқтасига ҳам тегиб кетди. Қаттиқ огоҳлантирувчи овоз янграб кетди. Бечора ўғри қопни шартта елкасига олдию ташқарига югурди. Омад келмаса жуда чатоқ бўлар экан. Тасодифни қарангки, у биринчи зинага оёқ қўйиши билан камари бўшаб кетса, денг. Хаш-паш дегунча ўғри ўзининг шимиға ўралиб йиқилди. Уятдан ўзини қаерга қўйишни билмай қолган ўғри ҳибсга олаётганларида қаршилиқ қилмади ҳам. Фақат номимни ҳеч кимга айтманг, дея олди, холос. Шунанга, нияти бузуқдан ҳатто, камари ҳам «юз ўгиради».

Ажойиботлар қомуси

ЧЎККАН КЕМАЛАР СИРИ

Тарихнинг шоҳидлик беришича, бир неча юз йиллар давомида испан ва португалларнинг галеон деб аталган елканли кемалари Америка қитъасидан Европага беҳисоб бойликларни ташиб кетганлар. Уларнинг қанчадан-қанчаси Тинч океанининг Лотин Америкаси қирғоқларида чўкиб кетган. Неча йиллардан бери чўккан кемалардаги олтинлар сув остида хазина изловчиларнинг тинчини бузиб келади.

га ўтади.

Тарихий ҳужжатларга асосланиб, 1500 йилда Жанубий Америка қирғоқларида португалларнинг 50га яқин кемаси ҳалокатга учраган. Бразилияда сувости археологик тадқиқотлари Консорциуми ташкил этилди. Унга 20та тарихчи жалб этилди. Улар уч йил мобайнида сув остини ўргандилар, Португалия, Бразилия, Англия, Франциядаги архив ҳужжатларини синчиклаб кўздан кечирдилар ва ниҳоят бойликлар чўккан жойларнинг харитасини чизиб бердилар.

Чўккан кемалар фақатгина Бразилия ёки Чили яқинида изланаётгани йўқ. Яқинда АҚШ ва канадалик ишбилармонлар Атлантик океанининг тубида хазинага тўла кемаларни кўтариб олмоқчи бўлишди. Айнан шу ерда, яъни Азор оролларида 500 кема ўзининг бахтли тақдирини кутиб ётгани маълум бўлди.

1995 ва 1996 йиллар галеонларни излаш борасида алоҳида йил бўлиб қолди. Уругвай қирғоқларида гаввослар 1792 йилда ғарқ бўлган «Эль-Преси-адо» кемасини сув юзасига олиб чиқдилар. Унда олтин ва қумшу тангаларидан ташқари 2та тилло амалдорлик белгиси, бир талай қўйма олтинлар борлиги маълум бўлди. Флорида қирғоқларида эса, худди шундай иккинчи кема ҳам кўзга чалинганини газеталар хабар қилишди. 1985 йилда Флоридада биринчи галеон «Нуэстра сеньора де ла Аточа» кўтариб олинган эди. Унда 400 миллион долларлик хазина борлигини кўриб, кўпчилик ҳайратдан ёқа ушлаган эди.

Денгиз хазина изловчилари кўпинча давлат ва шахсий компанияларнинг манфаатларига зид келадиган ҳаракатлар қилишади. Бу эса ўз навбатида сув остидаги бойликларни юзага чиқаришни орқага сураверади. Лекин, Куба ва Канада давлатлари баҳамжиҳат қўшма қорхона ташкил қилдилар. Қорхона сувости экспедицияларини олиб боради, хариталар тузади ҳамда денгиз тубидан топилган ҳар қандай қимматбаҳо буюмни рўйхатга олади. Чунки, Кубанинг теваарак-атрофидаги сувлар туби испан ва португал кемаларининг «қабристон» ҳисобланар экан. Бу ерда довулларда, бўронларда, тўфонларда денгиз қаърига чўкиб тушиб кетган кемаларнинг сон-саногини йўқ экан.

Шундай қилиб, денгиз, уммон остига шўнғувчилар сони борган сари ортиб бормоқда. Сувостининг довурак Колумбларига омад ёр бўлсин! Чунки, ер юзидами, сув остидами — қаерда бўлмасин, бойлик бор экан — одамларга тегишлидир. Мабодо улар топилгудек бўлса, инсоният тарихига янада ойдинлик киритилиши табиий.

Мана шунинг учун ҳам замонамиз билан бир қаторда уммонлар, денгизларни хазиналар онаси деб аташади. Лекин, ундан бу бойликларни тортиб олишни ўзи бўлаётгани йўқ.

Темир ЙЎЛДОШЕВ.

(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

ДОНО СЎЗ ДУНЁ КЕЗАР

- Ақлли иш – қанотли куш.
- Аҳмоққа гап ўтмайди, ҳарсангга мих.
- Баланд тоғда қор бўлур,
Эр йигитда ор бўлур.
- Башарнинг озодлиги –
дунёнинг ободлиги.
- Бегона тупроқ – девона тупроқ.
- Ноўрин ғурур ғурбатга солар.
- Ҳаётни севган ўлимдан қўрқмас.

- Хайф-сумбат, ақл – қиммат.
- Бўёқчининг бўёқчилиги қўлидан маълум.
- Бўйинг тенги билан юрма,
Ақлинг тенги билан юр.
- Бўлсанг агар қўрқоқ,
Бошингда ўйнар тўқмоқ.
- Бир кулиб боққандан қўрқ,
Бир ёришиб ёққандан қўрқ...
- Бўладиган бола кўзидан маълум,
Кўзидан бўлмаса сўзидан маълум.
- Вақт кетига қайтмас, сув кетига оқмас.
- Гапнинг ози – олтиннинг сози.

Турсунхўжа АЗЛАРХОНОВ.

Bolalik bog'i

BIRINCHI BO'LIB KIM AYTDI?

– Frantsiyaning qiroli Genrix IV otiarni yaxshi ko'rar ekan.

Ayniqsa otlar ichida bitta chopqir dulduli bor ekan-u, qiroli, agar kimda-kim shu otimning o'lgani haqida xabar olib kelsa dorga osib o'ldiraman, deb qasam ichgan ekan.

Payt kelib, shu ot qartayib, jon topshiribdi. Qirolni gaskoniyalik otboqari qiroli oldiga borib g'amgin ovozda gap boshlabdi.

– A'lo hazrat, afsuslar bo'lsin! Otingiz... Duldul otingiz... Hazratim, ajoyib otingiz... O'sha uchqur tulporingiz...

8 — саҳифа меҳмони

ФИЛ СУРИБ ОТ УЙНАТИБ

Шохмот-шатранж халқимизнинг қадимдан суюб ўйнайдиган ўйинларидан саналади. Истиқлолнинг ўн йили давомида етти атоқли шохмотчиларимиз жаҳонда доврүқ қозонди. Уларнинг бири халқаро гроссмейстер Рустам Қосимжоновдир.

– Рустамжон, шохмотга қизиқшингизга ким сабабчи бўлган?

– Акам Хуршид Қосимжонов. Етти ёшларда бўлсам керак, у вақтларда акам 15-болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг шохмот секциясига қатнашарди. Устози Александр Грушевскийдан сабоқ оларди. Уйда шохмот тахтаси устида узоқ ўйга толарди. Мен ҳам аста-секин акамга эргашиб, донда суришни машқ қила бошладим. Қизиқшмни кўрганларидан кейин мени ҳам Грушевскийнинг хузурига етаклаб бордилар.

– Негадир номини эшитмаган эканман...

– У киши Ўзбекистоннинг кўп бора чемпиони бўлган, спорт устаси. Энг муҳими меҳрибон устозлар.

– Демак, илк қадамларингизданок устоз изидан борибсиз-да...

– Ўн ёшимда ёшлар ўртасида Ўзбекистон биринчилиги қолиби бўлганимни айтмасиз-да! Устознинг сабоқларига ўзидаги иқтидорни қўшмасан шохмотчи – у қандай ёшда бўлишидан қатъий назар – бирор натижага эришиши қийин. Шохмот тахтаси худди каттакон дунёга ўхшайди. Идрокингизни жамлаб, ақлни пешлаб, билимингизни ошириб борсангиз, бу дунёнинг жуда кўп сирларини билиб олаверасиз.

– Шохмот тафаккурлар хазинаси дейишди. Бу тафаккур илдизлари оилангизда

бўлса керак?

– Онам Меҳриниса Қосимжоннова биорганик кимё институтида илмий ходимлар. Икки амаким, раҳматли дадажонимлар ҳам физик бўлганлар. Шохмотни жуда яхши кўрар эканлар.

– Ўзи шунақа бўлади: бир авлод тамал тоши қўяди, кейинги авлод иморатни тугаллайди. 1994 йил сизнинг ҳаётингиздаги муҳим саналардан бири бўлиб қаралса тўғри бўладими?

– Ўша йили Ўзбекистон биринчилиги Шахрисабзда бўлиб ўтган эди. Мен учинчи ўринни эгалладим. Миллий спорт устаси унвонига сазовор бўлдим.

– Рустамжон, шохмотдаги босиб ўтган йўлингизни кўпчилик жуда яхши билади. Бугун унга яна бир бор назар ташласак.

– Ўзим ҳақимда гапиришни ҳушламасдим, сўрадингиз, майли айтай. Истиқлол шарофати билан яратилаётган шарт-шароитлар ҳар биримизга масъулият юклайди. Мабодро арзигулик галабаларга эришган бўлсам, буни шу масъулият меваси деганимиз маъқул. 1994 йилдан бошлаб муваффақиятлар ёр бўла бошлади. Ўсмирлар ўртасида Осиё қолиби бўлдим. Номим жаҳон биринчилигида совриндорлар орасида қайд этилди. Германия, Бельгия, Франция, Голландия, Польша, Хиндистон, Хитой, Бирлашган Араб Амирликларида бўлиб ўтган нуфузли турнирларда қолиб ҳам, совриндорлар орасида ҳам бўлдим. 1995 йилда жаҳон шох-

мот олимпиадасида ҳам омадим келди. Машҳур гроссмейстер Кристиансенни мағлуб этдим. Бу ютуқ республикамизники ҳам бўлди: АҚШ жамоаси устидан галаба қозондик.

– 1997 йилдаги ютуқларингизни муҳлисларингиз ҳали ҳам гапириб юришади...

– Ўша йили ҳаётимдаги энг яхши йиллардан бири бўлиб қола керак. Эсингизда бўлса, Ўзбекистон биринчилиги ўтказилган эди. Ўзи менга нуқул кучли рақиблар рўпара келади. Бу ҳам тақдирнинг синови бўлса керак-да. Анчагина номдор гроссмейстер Александр Ненашев билан ҳал қилувчи учрашув бўлиб ўтди. Ненашевга бас келиш осонмас. «Жанг»га киришдик. Бу ўйин Ненашевга қанчалик аҳамиятга эга эди билмадим, лекин, менинг учун ниҳоятда муҳим эди. Бу сафар ҳам омад кулиб боқди: ютдим. Ҳам Ўзбекистон чемпиони бўлдим, ҳам халқаро гроссмейстерлик талабларини бажардим.

– Буларни ўз огзингиздан эшитиш мароқли-да. Айниқса, «Ўзбекистон ифтихори» кўкрак нишони билан тақдирланганингизда жуда севинган эдик...

– Оиламиздаги қувонччи-ку, асти қўяверасиз. Муҳтарам Президентимиз эътибори мен учун энг юксак мукофот бўлди. У киши

Тарихга назар солсак, Ас-Сулий, Абдулло Аҳмад, Али Шатранжий-Самарқандий, Форобий, Мавлоно Соҳиб сингари заковат эгалари шохмотда ўзига хос ажойиботлар яратиб кетганининг гувоҳи бўламиз. Мустақил юртимизда ҳам яқин келажакда «Қосимжонов мактаби» изга тушиб кетса, ажаб эмас. Бу фидойи инсон, Рустамжоннинг онаси Меҳриниса Қосимжоннова, унинг опаси Умида, акаси Хуршид, қолаверса, ҳаммамизнинг орзуимиздир. Ушбу сўхбатнинг давомини ана ўшанда ёзамиз. От суриб, фил ўйнатиб, сипоҳу пиёдаларни галабага бошлайвер, Рустамжон!

Темур УБАЙДУЛЛО.

Бекажон

ЮЗ ПАРВАРИШИ

• Юзни ҳар куни тозалаб ювиш терининг бардамлигини оширади ва ортиқча ажинлардан сақлайди. Лекин, ҳар куни такрорланадиган бу ишнинг ҳам ўзига яраша қоидаси бор. Агар юзингизни совунлаб ювмоқчи бўлсангиз, имкон қадар уни тезроқ ювиб ташлашга ҳаракат қилинг. Дастлаб даҳанингизга, кейин пешонангизга, ёноқ ва бўйинларингизга яхшилаб совун суринг. Сўнгра мўл сув билан бирдан ювиб ташланг. Яхшиси сувни қайнатганингиз ёки унга бир чой қошиқ сода қўшиб юборганингиз маъқул.

• Эрталаб совуқ сувда ювинган афзал. У юз териларини мустаҳкамлайди. Ювингандан кейин юзингизни сочиқ билан дарҳол артиб ташламанг. Ҳимоя қиладиган табиий ёғли упа билан артинг. Шундай қилсангиз юпқа химоя воситаси пайдо бўлиб, терингизни ташки салбий таъсирлардан асрайди.

Матлуба
МАҲМУДУХҲАЕВА
тайёрлади.



Об-ҳаво ни кузатиш бош бошқармасидан хабар қилишларича, 28-30 апрель кунлари пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 5-10 метр тезликда шамол эсади. Кечалари 13-18, кундуз кунлари 27-32 даража иссиқ бўлади.

Тошкент тижорат техникуми томонидан 1996 йилда Олдахов Дилмурот Хаджимуратович номига берилган 114818 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент вилояти ҳокими маҳкамасининг Маданият ишлари бошқармаси Чирчиқ шаҳар 7-сон болалар санъат мактаб ўқитувчиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Эркин Шоюнусович МУСАБЕКОВНИНГ

бевақт вафоти муносабати билан оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Вилоят ИИБ матбуот маркази хабар қилади

ҚИЛМИШ-ҚИДИРМИШ

Инсон ҳар бир босган қадами, қилган ишм учун албатта жавоб бериши керак. Ана шундагина афсус чекишга ҳожат қолмайди.

Авваллари майда ўғирликлар содир этиб юрган Т. яқинда катта-роқ жиноятга қўл урди. Олмалиқ шаҳрининг Амир Темур қўчаси, 79-уйда яшовчи Виталий Осколовга тегишли гараждан нархи 150.000 сўмлик мотороллер ҳамда унинг эҳтиёт қисмларини ўғирлади. Бу етмагандек, йўл-йўлакай жойлашган шаҳар халқ таълими бўлимига

қарашли «Камалак» болалар боғчасидан умумий нархи 214.063 сўмлик палос, гилам, шолча ва бошқа буюмларни олиб кетди.

Қўрилган тезкор чора-тадбирлар натижасида Т. ашёвий далиллар билан қўлга олинди. Минг афсуски, у анчагина нарсаларни сотишга улгурган экан. Шу ўринда бир савол туғилиши табиий. Нархоти, ўғирлик моллари арзон-ғаровга сотаётган, 1981 йил туғилган Т.дан ҳеч ким шубҳаланмаган?

Нима бўлганида ҳам жиноят содир этилди ва айбдор ўз қилмишига яраша жазо олади.

Ангрен шаҳар Ички ишлар бўлимига шаҳар телефон тармоғи раҳбариятидан тушган аризада шаҳарнинг маълум бир қисмида алоқа йўқлиги, бунинг сабаби 18/19 даҳа, 8-уй олдиди қўйлашган. Метелостанция худудидан ТПП-200х2 русумли 140 метр кабел ўғирланганлиги маълум қилинганлиги.

Шаҳар ИИБ жиноят-қидирув бўлими ходимлари томонидан олиб борилган тезкор чора-тадбирлар натижасида ҳеч қаерда

МЕТАЛЛФУРУШЛАР

ишламайдиган, 1982 йилда туғилган, Оҳангарон кўчасида яшовчи Р.Р. ҳамда А.Ш.лар ашёвий далиллар билан қўлга олинди. Ўғрилиқнинг умумий қиймати 107 минг 940 сўмни ташкил этади.

Шуниингдек, Чиноз тумани Ички ишлар бўлимига юқори кучли электрсимларининг номаълум кимсалар томонидан ўғирланаётганлиги ҳақида хабар келди.

Жиноят-қидирув бўлими ходимларининг олиб борган тезкор ҳаракатлари натижасида ҳеч қаерда ишламайдиган, Оҳангарон кўчасида яшовчи Э.Э. С.Б. ва С.Б.лар ушланди.

Қабел ўғрилари устидан тергов ҳаракатлари давом этмоқда.

Беҳзод ҲОЖИМАТОВ,
вилоят ИИБ матбуот
маркази ходими.

ТosHKent Haqiqati
Муассис:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ
ХОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Фатҳиддин
МУҲИДДИНОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий ишлар
бўлими: 133-40-48.
Эълолар:
133-40-48, 136-57-27.

Манзилими:
700000, Тошкент
шаҳри, Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республи-
каси Давлат матбуот
қўмитасида 8 рақами
билан рўйхатга
олинган

• Эълон ва билдирув-
лардаги факт ҳамда да-
лилларнинг тўғрилиги учун
реклама ва эълон берув-
чилар масъулдир.